

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ**

**ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

УДК: 67+620.4

**Остонова Зарифа Қобилжоновна**

**“Пахта чигитидан мой олишда электротехнологик усуллардан  
фойдаланиш имкониятларини асослаш”**

**5А430201 – “Агросаноат мажмуи электротехник ускуналари ва  
электр таъминоти”**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**диссертация**

Илмий раҳбар:

т.ф.н. А. Вахидов

**Т О Ш К Е Н Т-2014**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги:** Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтишда сўнги йиллардаги қабул қилинган қатор қонун фармон ва қарорларида Республика меҳнаткашлари олдига қишлоқ хўжалигини ва асосан уни агросаноат комплексини жадал ривожлантириш йўли билан саноатни, хомашё, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан қондириш каби муҳим ишларни бажаришни тақоззо этади.

Ўзбекистон чорвадорлари бу вазифаларини адо этиш учун йил давомида тинмай меҳнат қилиб, кўйлар зотини яхшилаш, уларни тўйимли озуқалар билан озиқлантириш, боқиш, озуқа заминини мустаҳкамлаш, кўйларнинг сонини ошириб бориш ишлаб чиқаришда илғор тажрибалардан, янги технологиялардан кенг фойдаланиш эвазига кўйлардан олинадиган маҳсулотлар миқдорини ва сифатини тобора кўпайтириб келмоқдалар.

Республика чорвачилик соҳасининг асосий тармоқларидан бири бўлмиш кўйчилик сердаромад бўлиб ҳисобланади. Кўйчилик тер, жун, гўшт, сут, ҳамда пўстинбоп тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун боқилади. Кўйчилик соҳасидан келаётган даромад кўпинча ундан олинадиган маҳсулотларнинг миқдори ва сифат кўрсаткичлари билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки бугунги кунда олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар, жумладан соҳада янги тоифадаги хўжаликларни қад кўтариши ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этилиши кўйчиликдаги муоммоларнинг эчимини ҳал этишга қаратилган. Бинобарин кўйлардан олинадиган маҳсулотлар ўз сифати бўйича жаҳон андозаларига рақобатбардош ҳолда ишлаб чиқарилишини тақоззо этади.

Республикада урчитилаётган қўйлар ўзининг йўналиши бўйича кўп қамровли бўлиб ҳисобланади. Чунончи бизнинг қўйларимиздан олинаётган асосий маҳсулотларимиздан бири уларни жуни бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси дағал жун етиштиришда МДХ давлатлари орасида етакчилик қилиб келмоқда ва бугунги кунда етиштирилаётган жуннинг миқдори 23 минг тоннани ташкил этади. Шу билан бир қаторда уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириш учун Наманган вилоятида Ўзтехмет қўшма корхонаси бу борада фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон худудида урчитилаётган қўйлардан олинаётган жун хархил бўлиб ҳисобланади, лекин унинг асосий қисмини тивит оралиқ толалр ташкил этади, шулар қаторида Республикада ярим майин жунли қўйлар урчитилиб, ярим майин ва ярим дағал жун етиштирилади.

Ўзбекистонда урчитилаётган қўйлардан нафақат жун балки улардан гўшт, тери, сут, пўстинбоп тери каби маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бизнинг худудимизда урчитилаётган қўйларнинг гўшти ва сути ўзининг мазалиги, тўйимлилиги ва бошқа хусусиятлари билан бошқа хайвонларни гўшти ва сутидан фарқ этади.

Қўйлардан олинаётган тери, пўстинбоп тери маҳсулотлари ўзининг ноёблиги, чидамлилиги, улардан тайёрланаётган буюмлар сифат кўрсаткичлари бўйича алоҳида эътиборга моликдир ва аҳоли орасида катта обрўй қозонган. Ўзбекистонда қўйчиликни яна бир муҳимлиги умум ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 30 фоизи қўйчилик зиммасига тушади, қолаверса айрим вилоятларда қўй гўштнинг салмоғи баланд бўлиб умумий гўшт ишлаб чиқарилишининг 70-75 фоизини ташкил этади.

Қўйчиликни янада юксалтириш ва маҳсулдорлигини ошириш борасида наслчилик ишларни ва селекция ютуқларига асосланган ҳолда тўғри олиб борилишини тақозо этади. Шу боисдан Республикада наслчилик, селекция, фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича қатор

қонунлар қабул қилинди ва унинг бажарилишига катта эътибор берилмоқда.

Қўйчиликни ривожлантириш ва ундан сифатли маҳсулот олиш аҳолининг даромадини оширади ва кун талаби бўлгани учун уларнинг олдида катта вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишдек маъсулият турибди. Авваламбор уларни нодавлат шаклига ўтказиб бориш, маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқтириш, ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни келишилган нарх-навода сотишни ташкил этиш. Шу ишлар қаторида қўйлар урчитилаётган яйловларини яхшилаш, хосилдорлигини ошириш ва мустаҳкам озуқа базасини яратиш жуда зарурий иш бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда бу долзарб вазифаларни амалга ошириш борасида Республикада етарли потенциал мавжуд.

Республика статистик маълумотларига биноан бугунги кунда бизнинг ҳудудимизда урчитилаётган қўй ва эчкиларнинг сони 16.5 миллионга яқин, қолаверса қўйчилик соҳасида хизмат кўрсатаётган одамлар қўйларни озиқлантиришда, асрашда, парваришlashда ва бошқа технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга жорий этишда жонбозлик қилмоқдалар.

Бу ишларни олиб бориш натижасида қўйлардан сифатли маҳсулот олишга еришилади. Бу эса ўз навбатида соғлом авлодни тарбия қилишга, аҳолини сифатли озуқалар билан таъминлаш имконини беради. Бу ишларнинг олиб борилиши Республикамиз ҳаётида кун сайин ошиб бормоқда ва И.А.Каримов (2009) таъкидлаганидек йўналишни барқарор ривожланишини таъминлайди ва жаҳон молиявий иқтисодий инқирозини Ўзбекистонда олдини олиш тадбирларини асосий бир омили бўлиб ҳисобланади. Қилинаётган ишларни янада мустаҳкамлаш борасида барча имкониятларни йўлга солиш ва янги технологиялардан фойдаланишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг тоғ ва тоғ олди хўжаликларида истиқомат қилувчи аҳолисининг турмуш даражасини

ошириб боришда гўшт-ёғдор жайдари кўйлари мухим ўрин тутади. Чунончи бу йўналиш шу худуд ахолисини озик-овқат, саноатни еса хомашё билан таъминлаб бориши билан биргаликда уларнинг иш жойлари билан таъмин этиб оилавий даромадини оширишда хизмат қилади.

Қайд этган назариялардан келиб чиқиб уларнинг урчитилишини янада такомиллаштирилишини тақозо этади. Буни инобатга олиб бу кўйларни, мавжуд имкониятларни ва махсулотни ошириш сирларини аниқланиш ва ишлаб чиқаришда улардан самарали фойдаланиш енг долзарб муаммолардан бири бўлиб хисобланади.

**Илмий ишнинг мақсади:** Республикамизнинг тоғ ва тоғ олди фермер хўжаликларида урчитилиб келинаётган думбали, гўшт-ёғдор жайдари кўйлари юксак генетик хусусиятлари билан ифодаланилади. Шундай бўлишига қарамасдан бу кўйларни кўзиларининг ўсиши, ривожланиши ва махсулдорлиги оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқлиги эътиборсиз қолдирилган ва олиб бораётган тадқиқот ишимизнинг мақсади бўлиб хисобланади.

Бу мақсадни ўрганиш учун Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг Беган Бобо фермер хўжалиги шароитида урчитилиётган жайдари кўйларида қуйидаги вазифалар таҳлил этиб борилди.

1. Жайдари кўйларнинг экстерери, конституцияси, сони ва таркиби.
2. Жайдари кўйларининг этилиши, пуштдорлиги, бўғозлик даври.
3. Турли ёш ва сутдор жайдари совлиқлар кўзиларининг ўсиши.
4. Турли ёш ва сутдор жайдари совлиқлар кўзиларининг ривожланиши.
5. Турли ёш ва сутдор жайдари совлиқлар кўзиларининг махсулдорлиги.
6. Турли ёш ва сутдор жайдари совлиқлар кўзиларининг ўсиши ривожланиши ва махсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги.

7. Тадқиқот ишига биноан хулосалар чиқариш ва ишлаб чиқаришга тавсия бериш.

**Таdqиқотнинг илмий янгилиги:** Хўжалик шароитида урчитилаётган жайдари қўйлар қўзиларининг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлиги оналарнинг ёшига ва сут маҳсулдорлигига боғлиқлиги кенг қўламда ўрганилиб, юқори маҳсулдор қўзилар етиштирилиб, қўй сурувларини янгилаш, таъмирлаш ва шунингдек кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига асосланиб уларни урчитилишининг афзаллиги исботланади.

**Илмий ишнинг аҳамияти:** Республикада юқори маҳсулдор жайдари қўй сурувлари шакллантирилади ва уларни мақсадли урчитиб янги сурувлар, тизимлар, оилалар яратишга ҳамда маҳсулот етиштиришнинг самарали технологияси жорий этилади.

**Диссертация ишининг синовдан ўтганлиги:** Мазкур ишнинг мазмуни Тошкент Давлат Аграр Университети Зоотехния кафедрасининг умумий мажлисида эшитилиб муҳокама қилинди. Баённома №\_\_\_\_ 2014 й ва очиқ ҳимояга рухсат этилди.

**Ишнинг чоп этилиши.** Диссертация иши бўйича қуйидаги мақолалар баён этилди.

1.

2.

**Таdqиқот ишининг таркиби ва ҳажми:** Диссертация ишига кириш, адабиётлар шарҳи, таdqиқотлар манбаси ва уни ўтказиш услублари, таdqиқот натижаларининг шарҳи, манбадаги қўзиларнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлиги оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқлигининг иқтисодий самарадорлиги, ҳулоса ва ишлаб чиқаришга

берган тавсия ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати каби бўлимларни ўз ичига қамраб олган.

Диссертация иши компьютерда ёзилган бўлиб, унинг ҳажми \_\_\_ бетдан иборат. Диссертация таркибида \_\_\_ та жадвал ва \_\_\_ сонда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган, келтирилган адабиётлардан \_\_\_ таси чет тилидаги адабиётлардир.

## I. БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Эволюция давридан кўринадика чорва молларида рўй бераётган ўзгаришлар инсон томонидан қадимги зомонлардан буён кузатиб келинган ва улардаги ўзгаришларни аجدоддан авлодга ўтказилганлиги тасдиқланган. Бинобарин бу ўзгаришларнинг инсон томонидан кузатиб борилиши ва инобатга олиниши натижасига асосан улардан ўз мақсадига биноан ойдалана бошлашига асос солиниб келинган. Шунинг негизида чорва моллари инсон томонидан ром эттирилиб ўзига хизмат қилишига йўналтирилган. Шу кузатувлар негизида чорва молларини хонакилаштириб уй хайвонига айлантиришга ва улардан махсулот олиб ўз эҳтиёжини қондиришга имкониятлар яратила бошланган.

Бу ишларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши биринчилар қаторида улардан бола олиб ўстириб ривожлантириши ва махсулот ишлаб чиқариши муҳим бўлган. Бунда биринчилар қаторида олинган авлодларни ўстириб ривожлантириш асосий бўлиб кўп омилларга боғлиқлиги жуда кўп илмий изланишларда ўз исботини топган.

Барча қишлоқ хўжалик хайвонларининг организми ҳаёти давомида ўзгариб боради. Бинобарин уларнинг махсулдорлик ва наслдорлик хусусиятлари бунга далил бўлиб уларни индивидуал ҳаёт давомида ўзгариб бориши билан ифодаланади. Масалан И.И.Мечников (1917) ўз кузатувларига асосланиб таъкидлаганки барча тирик мавжудотнинг ҳаёти доимий бир текис эмас ва ёшлик ҳамда қарилик билан ифодаланмоқда. Олимнинг фикрига кўра ёш организмда бириктирувчи тўқималар яхши ривожланади, қариларида эса сусайиб бориб фаолияти пасаяди. Е.А.Арзуманян (1951) олиб борган тадқиқотларига асосланиб қайд этадики ёш қорамоллар танасининг харорати, томир уришини ва нафас олиши тезлиги қариларига нисбатан анча юқори ҳолда бўлади.

Олимни фикрига кўра ёш қорамоллар қариларига нисбатан танасининг харорати бўйича 2 % га, нафас олиши 47 % га, ва томир уришинг тезлиги бўйича 31 % га устинлик қилади.

И.П.Павлов (1952) олиб борган тадқиқотларига асосланиб қайд этадики барча тирик организмнинг хаёт кечириб яшаши улар организмнинг ташқи мухит билан боғлиқ ва шунда ташқи мухит омилларини ўзлаштириб олиши ва нерв системасининг шартли рефлекслари орқали бошқариб боришига асосланган.

Д.Ж.Хемонд (1967) тажрибаларига ва эришган натижаларига асосланиб таъкидлайдики барча хайвонларнинг ўсиш ва ривожланиб бориши иккита нуқтаи назарияга биноан амалга оширилади. Муаллифнинг фикрига кўра ўсиш бу барча тирик мавжудотнинг жумладан, қишлоқ хўжалик хайвонларининг вазни, хажми ёки сон ўзгариши билан ифодаланади. Ривожланиш эса тирик организмнинг функционал шакллари ва муносабатлари сифат ўзгаришлари бўлиб ҳисобланади. Бу фикрга кўра таъкидлаш зарурки барча тирик организмнинг ўсиши ва ривожланиши уларнинг хаётий жараёни бўлиб ҳисобланади.

Д.А.Кисловский (1947) таъкидлайдики тирик организм доим ҳаракатда бўлади ва турли ўзгаришларга дуч келиб ўсади ва ривожланади. Олимларнинг фикрларига таянган ҳолда таъкидлаш зарурки, ўсиш ва ривожланиш хаёти давомида бир текис кечмайди улар айрим даврларда жадаллашади, айрим даврларда эса сусайиб қолади. Тирик организмнинг ўсиши ва ривожланиши икки даврга бўлинган: Эмбрионал ва паст эмбрионал. Тирик организм эмбрионал даврда жадал ўсиб ривожланади, паст эмбрионал даврда эса бу жараён секин кечади.

К.Б.Свечин (1965) фикрига кўра ўсиш тирик организмларнинг йириклашиши, вазн ошиши ва хажмининг кўпайишидир. К.Б.Свечин, А.И.Аршовский (1967) таъкидлашича ўсиш ва ривожланиш жуда мураккаб жараён ва тирик организмнинг соғломлигини, сақланувчанлигини,

хаётчанлигини ва махсулдорлигини белгилайди ва бунда ўсис ва ривожланиш жуда кўп омилларга боғлиқ шулар орасида ирсий ва хаётий омиллар жуда муҳим ўрин тутди.

И.Г.Мамедов (1969) Т.Сафарғалиев (1986) ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишини кузатиб борган ва эришган натижаларга асосланиб қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиши совлиқларнинг ёшига, сутдорлигига ва пуштдорлигига боғлиқлигини таъкидлашган.

Малигонов А.А (1971) тажрибасига асосланиб қайд этадики меринос қўйларидан олинган қўзиларнинг ўсиш ривожланиши, совлиқларнинг туғиш мавсумига ҳам боғлиқдир. Олимнинг фикрига кўра эрта туғилган қўзилар (январ-феврал) одатдаги хўжалик шароитида ёки кечикиб (март-апрел)да туғилган қўзилардан тирик вазни бўйича 5.86 фоизга устунлик қилган ва бу фарқ 3.4-3.9 фоизни ташкил этган, ва бу Англия, Америка, Янги Зеландия каби давлатларда батафсил ўрганилиб борилган ва шу ҳулосага келишганки, қишда туғилган қўзилар, баҳорда туғилган тенгқурларидан ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари бўйича устунлик қилган. Бу тадбирни тўғри бошқариб бориш ва ундаги илғор технологияларни қўллаш натижаси бўйича жаҳонда Янги Зеландия етакчилик қилмоқда, унинг қўйчилик йўналиши шу ишларни тўғри олиб борилиши натижасига кўра сердаромад соҳага айланган.

Т.И.Селянин (1987) олиб борган тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиши хаттоки уларнинг тана тузилишига ҳам боғлиқлиги синалган ва қўзиларнинг боши жун билан яхши қопланган бўлса, жунсиз тенгқурларига нисбатан жадал ўсиб ривожланганлиги таъкидланган. Қўзиларнинг ўсиб ривожланиши Б.И.Шукин (1987) томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, уларнинг ўсиб ривожланиши оналаридан эрта ажратилиши, кеч ажратилган тенгқурларига кўра жадал ўсганлиги кузатилган, демак эрта ажратиб олиш яхши самаралар берган. Ўз ўрнида шуни айтиш лозимки Ф.Джасимов (1990, 1992, 1997, 2002, 2004

йиллари) ва бошқалар ўзбек гўшт-жундор ва жайдари кўзиларининг устида иш олиб бордилар ва ижобий тадбиқ эканлиги тасдиқланди.

J. A. Shresather (1987) маълумотларига кўра кўзиларнинг ўсиш ва ривожланишига яна бир таъсир этувчи омил бу нафақат кўзилатиш муддати балки, кўй зотига ҳам боғлиқ бўлиши таъкидланмоқда. Бу олинган маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки, кўзиларнинг ўсиш ва ривожланиши кўп омилларга боғлиқ бўлсада уларга таъсир этишда яратилган шароит асосий омил бўлиб ҳисобланади. Кўзиларни парвариш этилиши яхши шароитда олиб борилса уларнинг ўсиб ривожланиши жадаллашади, ёмон шароитларда олиб борилса унинг акси бўлади. Шу назариядан келиб чиқиб таъкидлаймизки кўзиларнинг ўсиш ва ривожланишини тўғри ўтиши бевосита уларни урчиётган хўжалик шароити билан ҳам ўзаро боғлиқдир.

Кўзиларни ўсиш ва ривожига таъсир этувчан омиллардан яна бири бу уларни оналаридан ажратиб олиш муддатидир. Бу борада Б.И.Шукин (1987) томонидан Россия жумҳуриятининг Измаилова хўжалигида меренос кўзиларида олиб борган тажрибани эслатиш зарур. Муаллиф меренос кўзиларни оналаридан қабул қилинган (4-4.5 ой) технологияга кўра 1-1.5 ой олдин ажратиб олиб парваришлаган. Ундаги натижалар шуни кўрсатадики тажриба гуруҳидаги кўзилар назорат гуруҳидаги кўзиларга нисбатан ўсиш ва ривожланиши жадал кечиб бориб, тенгқурларидан анча устунлик қилган.

Муаллифни фикрига кўра бу тадбир нафақат ажратилган кўзиларда ижобий таъсир кўрсатган, қолаверса уларнинг оналарининг ўзини тиклашига, соғлом, бақувват бўлиб қайта ёки такрорий ишлаб чиқиш ижобий таъсир этган.

Т.И.Нижлученко (1987) аскания зотига мансуб кўзиларни оналаридан 5-21 кунлигида ажратиб олиб кузатув ишларини олиб борган. Муаллифнинг фикри ва эришилган натижаларига кўра оналаридан эрта

ажратиб парваришланган кўзилар ўзларини тенгқурларидан яъни хўжалик муддатида ажратилган кўзилардан яққол устун турган. Кўзиларни турли муддатларда ажратилиш Ф.Джасимов (2002, 2004) томонидан ўрганиб чиқилган ва эрта ажратиш, кўзиларнинг ўсишига, ривожига ва оналарининг туғгандан сўнг тез тикланишига ва етилишига ижобий таъсир этгани кўрсатилган.

В.А.Радионов (1984) кўзиларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб борган ва унда шу фикр келдики, бу жараён жуда кўп омилларга боғлиқ, жумладан бунга кўзилатиш муддатининг ижобий таъсир этилишини исботлаган. Муаллифнинг фикрига кўра қишда туғилган кўзилар баҳорда туғилган кўзиларга кўра тетик, соғлом, бақувват ва йирик бўлади. Унинг тажрибаси шуни кўрсатганки, қишда туғилган кўзиларнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 5-5.01кг бўлса, баҳорда туғилган кўзиларни тирик вазни эса 4.5-4.8 кг.ни ташкил этган. Оналардан ажратиш даврига келганда эса бу кўрсаткичлар тегишли равишда 25.9-26.0 ва 20-21 кг.ни ташкил этган.

Кўзиларни оналаридан эрта ажратиб парваришlash натижасини, уларни ўсиб ривожланишига ижобий таъсир этишини биз кўпчилик олимларни тадқиқот ишларидан кўришимиз мумкин. Жумладан бу борада А.Дрозденко (1990) олиб борган ишини эслатиш жоиздир. Муаллиф кўзиларни уч ойлик чоғида оналаридан ажратиб, бўрдоқига боқиб гўштга топширган. Эришган натижалари асосида таъкидлайдики, уч ойлигида ажратилган ва бўрдоқиланган кўзилар нафақат яхши ўсиб ривожланган, қолаверса уларга кам озуқа сарф этган ҳамда бу технологик жараённи кечиши кўзиларни жинсига боғлиқ бўлишини исботлаган .

Адабиёт маълумотларига асосланиб таъкидлаш зарурки, барча тирик организмнинг ўсиши ва ривожланиши чексиз, бу жараёнларни ўрганиш ва ҳисобга олиш жуда катта аҳамиятга эга, чунки чорва молларини озиклантириш, боқиш, ва соғломлиги каби кўрсаткичлари доимий равишда кузатиб бориш имконини яратади. Шунингдек улардан турли

мақсадда фойдаланиш ҳамда хўжаликларда урчитилаётган қўйларни наслдорлик сифатини билиш ва ундан келажакда насл ёки маҳсулот олиш имконини беради.

Қўзиларнинг ўсиб ривожланиши совлиқлар зотига, зотдорлигига ҳам боғлиқдир. Бу назарияни А.Дрозденко (1990) томонидан олиб борилган ишларидан ҳам кўриш мумкин. Муаллиф турли зотга мансуб қўзиларни уч ойлик чоғида оналаридан ажратиб, бўрдоқига боқиб гўштга топширган. Эришган натижалари шуни кўрсатадики декони зотига мансуб қўзилар туғилган чоғида 3.3-3.52 кг бўрдоқига боқилгандан сўнг эса 26.2-26.4 кг дюрст зотига мансуб қўзилар эса тегишли равишда 40.3 ва 32.95 кг ташкил этган. Муаллифни хулосасига кўра дюрст зотли қўзиларни ўсиши, ривожланиши жадал кечиборган.

Т.Сафарғалиев (1986) маълумотларига асосланиб таъкидлайдики қўзиларнинг ўсиши ва ривожланишига уларнинг оналарининг ёшига ҳам боғлиқдир. Бу тадқиқот ишларини турли ёшга мансуб хисори зотли совлиқлар қўзиларининг устида олиб борган ва шу фикрга келганки оналарининг ёши қўзиларининг ўсиб боришига бевосити таъсир кўрсатган. Бу фикрларни биз Ф.Д.Жасимов (2003) жайдари ва қоракўл қўйлари қўзиларнинг устида олиб борилган ишларидан ҳам кўришимиз мумкин. Муаллифнинг фикрига кўра қўзиларни ўсиши ва ривожланиши уларнинг оналарининг сутдорлиги билан боғлиқ.

Қўзиларнинг ўсиш ривожланиши яйловдаги ўсадиган ўтларга, уларнинг тўйинганлигига ҳам боғлиқ бўлишини А.Д.Обухова ва С.И.Кедрова ишларида ҳам кўриш мумкин. Ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари хаттоки қўзиларнинг конституциясига ва экстерьерига ҳам боғлиқ. Бу хулосалар Чирвинский, Мологонов, Иванов тамонидар олиб борилган классик ишларидан яққол кўринади. Муаллифларнинг фикрига кўра нозик типга мансуб совлиқлардан олинган қўзилар ўсиш ва ривожланишдан қолади, қўпол ва мустахам типдаги совлиқларнинг

кўзилари эса яйловда кўп ҳаракатда бўлиб, кўп озуқа истемол қилиш эвазига тез ўсади ва ривожланиб вояга етади, қолаверса танаси чиройли ва тана қисмлари мутаносиб ривожланган бўлади.

Турли зотга мансуб кўзиларнинг ўсиш ва ривожланиши Марказий Осиё давлатлари олимлари томонидан ҳам ўрганилган ва бу борада С.И.Фарсиханов (1989) Ф.Джасимов (1990, 1992, 1997, 2004, 2006) томонидан хисори, жайдари ва қоракўл ўзбек –гўшт кўзиларининг устида олиб борилган ишларини эслатиш жоиздир. Бу муаллифлар олиб борган тадқиқот ишларига асосан таъкидлайдиларки кўзиларни ўсиши, ривожланиши совлиқларни эрта кўзилаатишига асосланган уларнинг зотига, конституциясига, ёшига ва сутдорлигига бевосита боғлиқдир.

Ўсиш ва ривожланиш жуда мураккаб жараён бўлиб кўп олимларга боғлиқ ва бу жараёнларни ўрганишида кўп ютуқларга эришилган. Кўрсатиб ўтган тадқиқотларидан биз томондан олиб борилган иш ўзининг хусусиятларига кўра фарқ этади. Бу фарқни биз Ўзбекистон шароитида мослашган ўзбек гўшт-жундор кўзиларининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ва шунингдек уларни тоғ олди яйлов шароитида кўникиш ҳаётчанлиги, сақланувчанлиги ва оддий кескин континентал шароитда махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида олиб борилаётган мураккаб тадқиқот ишининг бир заррачаси деб ҳисоблаймиз.

С.Г.Давидов (1960) таъкидлайдики дурагайлар ўзининг гўштдорлиги вва жундорлиги бўйича дастлабки аждодларидан фарқ этган.

Ўзбекистон шароитида бу йўналишни вужудга келтириш ва янада мужассамлаштириш ва олинган дурагайлардан махсулдорликни мустаҳкамлашда чатиштиришни талаб қилганлиги сабабли Сурхандарё вилоятининг “ Власть труда” деб номланган хўжалигига 1939-йили Линкольн кўчорлари иккинчи бора келтирилиб қочиришда ишлатилган.

П.Ф.Кияткин (1964) Я.П.Сон, М.Х.Хайдаров, В.Я.Урицкий (1970), Сон. Я. П, П.И.Кулешов (1933) каби олимларнинг таъкидлашига кўра бу

йўналишдаги кўзиларнинг тирик вазни туғилишида 3.5–3.7 кг бўлса, онасидан ажратишда 37–41 кг ташкил этган ва улардан биринчи қирқимда 1.5–2 кг паярка жуни олинган. Бу ишларни олиб борилиши асосан 1956–1957 йилларга тўғри келади ва икки йўналишда давом эттирилган деб ҳисобланади ва асосий мақсади маҳаллий қўйларни потенциал ҳолда такомиллаштириб боришини тақозо этган.

П.Ф.Кияткин (1968) Паркент туманининг “Коммуна” давлат хўжалигида маҳаллий жайдари совлиқлари линкольн кўчқорлари билан чатиштирилиб талабга жавоб берадиган дурагай авлод олинган ва сўнгги этапда улар ўзаро урчитиб борилиб мақсадга мувофиқ қўйлар гуруҳи вужудга келиб Паркент қўйлари деб номланган. Олинган қўйларнинг шароитга мослашувчанлиги, куйкиши ва шунингдек тирик вазни, жун ва гўшт миқдори ҳамда уларни сифати бўйича маҳаллий гўшт-ёғдор қўйлардан кескин фарқ этган.

И.А.Тапильский (1959) Б.В.Жердев маълумотларига кўра қўйчиликда яйловларни турли фаслларда ишлатилиши уларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсир этган. Олимларнинг фикрига кўра бунинг натижасида қўйларнинг тирик вазни дастлабки вазнларига кўра камайиб кетган ва ҳозирги кунда катта ёшдаги қўйларнинг ўртача тирик вазни 50-60 кг тенгдир. Олимларнинг фикридан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки қўйларнинг тирик вазнига яйловда ўсадиган ўсимликлар, шунингдек жинси, ёши ва йил фасллари каби омиллар таъсир этишини кузатиш мумкин.

Х.К.Туйджанов (1968) ўзбек гўшт-жундор қўйларининг пўстинбоп хусусиятларини ўрганиб чиқиб қўйд этадики, улардан яхши ва сифатли пўстинбоп хомашё олиш мумкин ва сифатли пўстин буюмларини тайёрлашда ишлатилади.

А.А.Юлдашев (1967) Паркент туманидаги урчитилаётган ўзбек гўшт-жундор қўйларининг маҳсулдорлик ва насли сифатини ўрганиб борган.

Кузатувларига кўра янги туғилган эркак қўзиларининг тирик вазни 4-4.5 кг, урғочилариники эса 3.5-3.7 кг бўлган, онасидан ажратиш даврида эса тегишли равишда 32-34 ва 28-30 кг ташкил этган.

Адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики, ўзбек гўшт-жундор қўйлари яхши гўшт ва жун махсулдорлиги билан фарқланади ва бу кўрсаткичларга жуда кўп омиллар таъсир этиши билан биргаликда маълум чегарада бўлади. Шунда уларнинг жун кўлами ўрта ҳисобда 3-3.5кг, узунлиги эса 10-13см, йўғонлиги асосан 50-54 сифатга тенг.

В.Я.Урицкий, Я.П.Сон (1970) маълумотларига асосланиб таъкидлаш зарурки ўзбек гўшт-жундор қўйлари яхши гўшт махсулдорлиги билан характерланади. Олимларни фикрига биноан улар 4-4.5 ойлик бўлганида 12-13 кг, 8-ойлигида 18-19 кг, 10-ойлигида 19-19.5 кг, 18-ойлигида 30кг, катта ёшдаги қўйлардан эса 30 – 53 кг дан юқори сифатли нимта гўшти олинган. Бу ёшда сўйилган қўйларни нимта гўштининг чиқими эса тегишли равишда 42.7; 50.2; 43.1; 51.0; 52.8 ва 51.8 % ни ташкил этган.

Бу кўрсаткичларга асосланиб таъкидлаш зарурки уларнинг гўшт махсулдорлиги қўйларнинг ёшига, жинсига, тирик вазнига, семизлигига ва турли технологик усулларини қўллаб уларни семиртириб борилишига, озуқа турига ва уларнинг тўйимликлари бевосита боғлиқдир.

К.Шеримбетова (1951) Охонгарон давлат хўжалиги шароитида ўзбек гўшт-жундор қўиларини бўрдоқига боқиб семириш хусусиятларини ўрганган ва олган натижаларига асосланиб қайд этадики туғилган қўзиларни (наслга яроқсиз) шу йилни ўзида бўрдоқига боқиб гўштга топширилиши яхши самара берган, гўштга топширилган қўзиларнинг вазни 37- 39 кг уларни сўйишда эса 17.8 – 18.7 кг нимта гўшти олинган.

Адабиёт маълумотлари кўрсатадики ўзбек гўшт-жундор қўйлари махсулдорлик кўрсаткичлари, унга сарфланган харажатларнинг арзонлиги ва бошқа хусусиятлари билан маҳаллий гўшт-ёғдор қўйлардан анча афзал туради. Булардан бир текис ва ярим дағал япоғи жун олинади. Жун

толаларининг ўртача узунлиги 9- 12 см, сифати эса 50-58 сифатга хос деб ҳисобланади.

Н.С.Перепелицина ва Л.М.Бободаева, А.Юлдашев (1971) Л.М.Бободаева, С.Ходжибеков (1971) бу қўйлар жунларининг сифатини, толасининг тоза чиқимини ўрганган ва бу кўрсаткич 67.6 % ни қайд этганлар. Ўзбек гўшт – жундор қўйларининг жунининг сифати кўп олимлар томонидан ўрганилган ва шулар орасида М.Я.Коган Берман ва В.В.Калнина (1961) олиб борган ишлари эътиборга моликдир. Бу муаллифларнинг фикрига кўра катта ёшдаги қўчқорларнинг жунни асосан япоғи бўлади ва бу сифати бўйича қуйидагича тақсимланган. 75 % жунлари 58 сифат, 25 % жунлари 56 сифат, совлиқларники эса тегишли равишда 21.4 ва 78.6 % шу сифатларга мансубдир.

В.А.Бальмонт (1952) илмий тадқиқот ишларида олинган маълумотларига асосланиб қайд этганки бу йўналишдаги қўйлар юксак сут махсулдорлик хусусиятларига эга ва бу ҳолатда қўзилар тез ўсади ва туғилган йилидаёқ гўшт ишлаб чиқаришга яроқли бўлиб сифатли қўзи гўштини беради. Ўзбек гўшт – жундор қўйлари бошқа йўналишдаги қўйлардан кескин фарқ этади ва бу фарқни биз унда икки ирсий омилни мужассамлашганидан деб ҳисоблаймиз. Биринчиси жайдари қўйларидан гўшт – ёғ махсулдорлигини, иккинчисидан эса линколин қўйларидан жундорлик ирсий белгисига боғлиқ. Бу йўналиш Ўзбекистон ҳудудида кириб келса кроссбред хилидаги жунга ва ёш қўзи гўштига бўлган талабнинг ошиб бориш кузатилади. Ўзбек гўшт – жундор қўйларининг қўзилари кўп сут эмганлиги эвазига тез ўсади ва бундан келиб чиқиб қўйлар серсут эканлиги бир неча илмий ишларда қайд этилган.

И.А.Тапильский ва Ужако (1974) маълумотларига кўра бу қўйлар серсут бўлиб ҳисобланилиши билан биргаликда сутининг кимёвий таркибида жуда кўп тўйимли моддалар мавжуд. Муаллифларнинг фикрига кўра бу қўйлар сутининг таркибида 5.23 % ёғ, 5.66 % оқсил моддалари ва

шунингдек 16.2 % қуруқ модда мавжудлиги қайд этилган. Бу қўйларнинг сутдорлиги апрел ойига келиб энг баланд бўлади ва бир кундаги берадиган сут миқдори 802 г га тенг. Кўп илмий тадқиқот ишларидаги маълумотларига таянган ҳолда бу йўналишдаги қўйларни Ўзбекистон иқлимига яхши мослашганлигини, сермахсулдорлигини таъкидланиши билан биргаликда сифатли гўшт ва жун бериши билан ҳам белгилинади.

Х. Э. Куку (1981) олиб борган тадқиқот ишларидан келиб чиқиб таъкидлайдиларки гўшт – жундор қўйларни ҳар 100 бош совлиқдан 115 – 200 бошдан соғлом қўй олинган. Ҳамда совлиқларнинг орасида қисир қолиши ёки қўзи бермаслик хусусиятлари умуман учрамаган. Гўшт – жундор қўйлари адабиёт тахлилига кўра кўп жихатдан афзаллиги аниқланган ва Ўзбекистонда жадал қўйчиликнинг ривожига асос солинган. Бу қўйларнинг гўшт махсулдорлиги М.Ф.Иванов (1952) томонидан ўрганилган, олим тадқиқоти давомидаги олган ўз маълумотларига асосланган ҳолда қайд этадики, Россия чет мамлакат истеъмолчиларини гўштга бўлган талабини қондирадиган қўйлар йўқлигини таъкидлаган. Россияда тез етиладиган ва сифатли гўшт берадиган қўйларга нафақат бас келадиган, хаттоки улардан устунлик қиладиган қўйлар мавжуд дея маълумот қолдирган.

Думбали, гўшт – ёғдор, хисори қўйларни экстеръери, конституцияси ва махсулдорлик кўрсаткичлари илк бор А.П.Червинский ва В.Б.Елагин (1946) томонидан ўрганиб чиқилган ва юқори даражада ривожланганлиги қайд этилган. Ўзбек гўшт – жундор зоти маҳаллий шароитга жуда тез мослашган ва ўзининг чидамлилиги, озуқага кам талабчанлиги билан бошқа қўйлардан фарқ этган. Бу зотнинг махсулдорлик хусусиятларини ўрганишда кўп олимлар қатнашган ва ўзларининг илмий ишларида фикрларини баён этганлар.

Ўзбек гўшт – жундор зотини урчитишда вва ундан фойдаланишда ижобий натижаларга эришида қилинган ишлар эътиборга моликдир. Илк

бор Ўзбекистонда думбали гўшт – ёғдор қўй зотини ўрганиб унинг барча хусусиятларини англаб баён этишда экспедиция ташкил этилган ва бу экспедицияга Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг олими А.Д.Куянов бошқариб, шулар тўғрисидаги барча маълумотларни тўплаган.

В.А.Бальмонт (1952) олиб борган тадқиқот натижаларига асосланиб думбали гўшт – ёғдор қўйларида, думба остига, коворғалар орасига ва шунингдек тери остига ҳамда ички органлар атрофига уларда ёғ тўплаш ирсий хусусият бўлиб наслдан наслга ўтишини қайд этган. Бу йўналишдаги қўйларнинг сифатли гўшт – ёғдор қобилятига эга бўлишини П.Ф.Кияткин (1952) ишларида ҳам кўринади. Олим ўз тажрибасини 7 ойлик думбали гўшт – ёғдор ахталанган қўчқорлар устида олиб борган ва уларнинг сўйим оғирлиги 19.2 кг, сўйим чиқими эса 54.1 % ни ташкил қилганлигини қайд этган. Думбали гўшт – ёғдор қўйларини урчитилишида ва гўшт махсулотини ишлаб чиқаришга жуда кўп омиллар таъсир этмоқда. Ф.Джасимов, О.И.Сулаймонова, Ш.Ж.Дехканбоев (2002), Р.Аскарлов, Ж.Хуснитдинов, Ф.Джасимов (2002) олиб борган тадқиқот ишларида қайд этадики ҳаттоки эрта қўзилатиш ва оналаридан эрта ажратиб бўрдоқилаш муҳим аҳамиятга эга.

И.С.Попов (1958) олиб борган тажрибасига кўра, қўйлар организмга, унинг фаолиятига ва морфологик ўзгаришига энг кучли таъсир этувчи омил бу озуқа ва озиклантириш бўлиб ҳисобланади деган хулосага келган.

Хайвонларнинг организмга тўйимли озуқа ва озиклантиришнинг таъсир этишини М.Ф.Иванов (1934), Г.Р.Литовченко (1950), Г.Р.Литовченко, А.В.Васильев (1951), П.И.Викторов, П.Д.Ненашев (1962) ўз ишларида бир неча бор исботлаганлар. Думбали қўйларни гўшт-ёғ махсулдорлигини ошириш ва шунингдек сифатини яхшилашда улар организмнинг физиологик хусусиятлари катта ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда қўй гўштини етиштиришда турли аломатларга биноан наслга яроқсиз бўлган қўйлар ишлатилади, шулар қаторида асосий эътибор ахталанган қўчқор ва ишдан чиққан совлиқлар муҳим ўрин тутди.

Baner. J.M.Vvrgkart (1970) қўзиларни жадал усулда бўрдоқига боқиб яхши натижаларга эришилгани тўғрисида шуни таъкидлаганки, турли шароитда боқилган қўчқорлар, тўхли совлиқларга кўра 18 фоиз вазнини оширган. Сўнги йилларга келиб думбали гўшт-ёғдор қўйчилигида қўзи гўшти етиштирилишига катта эътибор берилмоқда С Б.Р.Гоцуленко, И.С.Федоров, В.В.Курилов (1977), Ф.Джасимов, О.Мамадиев (2003) сўнги йилларга келиб думбали гўшт-ёғдор қўйчилигида қўзи гўшти етиштиришга катта эътибор берилмоқда деб таъкидлайдилар.

Думбали гўшт-ёғдор қўйлари бугунги кунда нафақат гўшт етиштириш учун урчитилади, улар дағал жун етиштиришда ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бу қўйларнинг жуни ва унинг сифати бўйича селекциялаштирилмаган ва шунинг негизида думбали қўйлар орасида кам жун берадиган бўлиб ҳисобланади.

Адабиёт маълумотларидан келиб чиқиб думбали, гўшт-ёғдор қўйларидан бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган махсулотларни ошириш йўллари амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим. А.Н.Боресенко (1986) ёш қўзиларни махсус бўрдоқчилик майдонларида парваришлаш ишини олиб борган ва олган маълумотларига кўра бўрдоқиланган қўзиларнинг тирик вазни ошиши билан биргаликда жун махсулдорлиги ҳам ошган ва шунинг эвазига махсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги тўғрисида фикр қолдирган.

Н.В.Виличко, Н.П.Лянина, В.А.Горяева (1988) олиб борган ишларига асосланиб қўйларнинг махсулдорлиги уларнинг қўзилатиш ва қўзиларини оналаридан ажратиш муддатларига ҳам боғлиқлигини қайд этганлар. Муаллифлар қўйларни қиш фаслида қўзилатиш ва қўзиларини оналаридан эрта ажратиш эвазига ўн тўрт ойлик қўзиларини тирик вазни 38–40 кг, жун

бериш қобилияти эса 3–3.2 кг, катта ёшдаги қўчқорларнинг вазни 65–70 кг, жун миқдори 4.5 кг ташкил этгани тўғрисида маълумот берганлар.

Бу фикрларни этирар эканмиз Ф.Джасимов, О.И.Сулаймонова, Ш.Дехқонбоев (2002) Ф.Джасимов, Т.Атабаев, О.Мамадиев (2003) томонидан олиб борилган ишларини ва натижада эришилган ютуқларини эслатиб ўтиш зарур. Муаллифлар ўз ишини хисори ва қора кўл қўйлари устида олиб борган ва шу хулосага келганки совлиқларни эрта қўзилатиш ва улардан бақувват соғлом қўзи олиш имконини берган. Эрта ажратиш натижасида эса совлиқларни ўзини қайта тиклаб олиш ва янги фаслга тайёр бўлиши кўзланган. Шу усулда олиб борилган иш эвазига муаллифлар қўзиларни айнан туғилган йилидаёқ гўштга топшириб сифатли қўзи гўштини етиштиришга эришган. Шулар қаторида қўй бошидага яйлов миқдори ошишига эришган. У эса совлиқларнинг тез етилишига ва шунингдек махсулдорлигини, миқдорини ва сифатини оширишга олиб келган.

Дағал жунли қўйларнинг устида тирик вазнини ва жунини ошириш борасида кўп илмий ишлар олиб борилган ва улар орасида М.Я.Коган Берман (1958) томонидан қилинган ишлари эътиборга моликдир. Муаллиф олиб борган ишига асосланиб қўйлар танасининг турли қисмларидан жунлар бир текис ўсмайди, қолаверса уларнинг узунлиги бир текис эмас. Шу боисдан олимнинг фикрига кўра жуннинг сифати ва миқдори жун толаларининг миқдори ва узунлигига боғлиқ деб ҳисоблаган.

Ш.М.Ризаев ва О.Раджабов (1973) қайд этадики қўйлар жунларининг узунлиги нафақат тана қисмларига балки қўйларнинг семизлик даражасига ҳам боғлиқдир. Олимларнинг фикрига кўра юқори семизлик даражасидаги қўйлар жунининг узунлиги бўйича бошқа семизлик (ўрта, паст) даражасидан устунлик қилган.

М.Ф.Иванов (1922) А.А.Рахимов (1967), Н.С.Гигишевилли (1954) В.Н.Стояновская (1966) олиб борган тадқиқот ишларига асосланиб

жуннинг узунлиги ва миқдори ўсиш муддатига боғлиқ деб қайд этадилар. Шу боисдан бахорги жунлар бу кўрсаткичлар бўйича куздаги жунлардан устун туришини исботлашганлар.

Б.Г.Имбис (1958) ёзадики организм меъерий даражада ўсиш ва ривожланиши учун тараққий мухитга маълум талабларини қўяди ва ундан зарурий шароитларини танлайди. Олимнинг фикрига кўра бу зарурий шароит озиқ моддалари бўлиб ҳисобланади, шу туфайли қўйларни бу моддаларга бўлган талабини қондиришда сифатли озуқалардан фойдаланишни тавсия этган. Демак озиқлантириш шароитига яраша барча тирик организмлар, жумладан қўйлар ҳам такомиллашади ва ундан ўзига хос шароитни танлаб ўсиб ривожланади ва махсулот беради. Шу фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки, гўшт – ёғдор қўйларнинг махсулдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш учун турли чатиштириш усулларида фойдаланиш кўра уларни озиқлантиришни яхшилаш ва ўз ичида селекция ишларини олиб бориш афзал бўлиб ҳисобланади. Думбали гўшт – ёғдор қўйларнинг туси бўйича ранг–баранг ва сифатсиз ҳамда кам бўлиб ҳисобланишини инобатга олган айрим юқоридаги қайд этилган тавсияларни қўллашни яна бир бор исботлайди.

Гўшт – ёғдор қўйларнинг ирсий хусусиятлари ўрганилмаган, чунончи табиий ҳолда уларнинг пуштдорлиги яхши эмас ва 100 она совлиқ ҳисобига 92 бош кўзи берган ва бу 92 % деб ҳисобланади. Лекин илғор тажриба ва эришилган ютуқлар кўрсатадики улардан 100 она соқлиққа 100 ва ундан ҳам кўп кўзи олиш мумкин. А.Бутиков (1972)

А.П.Воробьев (1986) қайд этганки сўнги йилларда қўйчилик соҳасида юз берган ишлари ҳисобига гўшт – ёғдор қўйларни урчитишининг жадаллаштиришига асос солганлар. Бинобарин, бу қўйларни шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда урчитишда янги тенологияларни қўллаб эрта қўзилатиш оналаридан эрта ажратиб олиш имконини вужудга келтирди. Шу ишларнинг олиб борилиши тўғри ташкил

этилганлиги эвазига бу йўналишдаги хар бир совликдан соғим даврида 100 кг сифатли озукабоб сут олиш имкони мавжуд бўлди.

Ю.Н.Юдин, Ф.П.Родин (1983), А.И.Николаев, А.М.Ерохин (1987) ва бошқа олимларнинг фикрларига асосланиб қайд этиш зарурки дағал жунли қўчқорлар ва қоракўлчилик қадимги замонлардан буён сут ишлаб чиқаришда асосий манбаа бўлиб хисобланади. Лекин сўнги йилларга келиб бу ишлар эътиборсиз қолдирилган ва бунинг эвазига бу қўйлар умуман соғилмай қолдирилмоқда. Адабиёт маълумотларидан келиб чиқиб таъкидлаймизки махаллий, думбали, гўшт – ёғдор, жайдари қўй зоти дағал жун йўналишида бўлиб махаллий шароитга кўниккан, чидамли, тез етилувчан, кўп қамровли махсулот ишлаб чиқариш хусусияти ва шунингдек махсулот ишлаб чиқаришга кам куч ва кам озуқа талаб қилмоқда. Бу қўйларнинг гўшт – ёғ махсулдорлиги жуда юқори даражада аммо жуни кам ва сифати паст бўлгани учун турли такомиллаштириш ишлари олиб борилди ва улардан турлича самара ва афзалликларга эришилди. Бу ишлардан биз олиб бораётган ишимиз ўзининг мақсади ва кўп қамровли махсулдорлик комплекси ва бир бири билан боғланган холда олиб борилиши билан фарқланади.

## **II БОБ ТАДҚИҚОТЛАР МАНБАИ ВА ЎТКАЗИШ УСЛУБЛАРИ**

### **2.1 Тадқиқот олиб борилган минтақа ва хўжаликни таърифи**

Тадақиқот ишимизни экспериментал қисми 2012–2013–йилда Самарқанд вилояти Қўшрабод тумани “БЕГАН БОБО” фермер хўжалиги шароитида олиб борилди. Қўшрабод тумани 1943–йилнинг 13–феврал ойида ташкил этилган бўлиб Самарқанд вилоятида жойлашган. Туман умумий майдони 2160 кв километрни ёки 215973 гектарни ташкил этади. Туман худудининг ёнидан Тошкент – Учқудуқ темир йўли ва шунингдек Тошкент – Қарши автомобил йўллари ўтади. Энг яқин темир йўл бекати Каттақўрғон бўлиб ҳисобланади, бу бекат туманимиз маркази Қўшрабод аҳоли пунктидан 80 км узоқликда жойдашган.

Туманинг маъмурий –худудий бўлаклари ва қишлоқ фуқоролар йиғини сони 7 тани ташкил этади. Бу фуқоролар йиғини ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Пичот, Қўшрабод Сохибкор, Зармитан, Оқтепа, Урганжи, Жўш.

Қўшрабод туманига энг яқин фуқоролар йиғини “ПИЧОТ” қишлоқ фуқоролар йиғини бўлиб ҳисобланади, бинобарин бу фуқоролар йиғини Пичот аҳоли пунктининг ёнида жойлашган ва унда 9 та қишлоқ бўлиб 10688 нафар аҳоли яшайди.

“Қўшрабод” қишлоқ фуқоролар йиғини маркази Довурқўрғон бўлиб ҳисобланади. Унда бугунги кунга келиб 15022 нафар аҳоли яшайди. Унинг таркибида 37 та қишлоқлар мавжуд бўлиб туман марказидан 18 км узоқлигида жойлашган.

“Сохибкор” қишлоқ фуқоролар маркази Саксончел аҳоли пунктини ташкил этади. У 19 та қишлоқни ўз ичига қамраб олган. Бу худуднинг аҳолиси сони 16142 нафар кишидан иборат бўлиб, туман марказидан 5 км узоқликда жойлашган.

“Зармитан” қишлоқ фуқоролар йиғини маркази Заркент бўлиб хисобланади. Бу ҳудудда 11 та қишлоқ ва аҳоли сони эса 10547 нафар кишини ташкил этади. Туман марказидан 15 км узоқликда жойлашган.

“Оқтепа” қишлоқ фуқоролар йиғини маркази Шовона қишлоғида жойлашган, унинг таркибида 11 та қишлоқ жойлашган бўлиб 11942 нафар аҳоли яшайди, туман марказидан 12 км узоқликда жойлашган.

“Урганжи” қишлоқ фуқоролар йиғини Урганжи пунктида жойлашган, аҳоли сони 10732 нафар киши, туман марказигача бўлган масофа 45 км ва ўз ичига 38 та қишлоқни қамраб олган.

“Жўш” қишлоқ фуқоролар йиғини маркази Жўш деб номланади ва унда 20 та қишлоқ жойлашган. Бу қишлоқлардаги аҳоли сони 19764 нафар кишидан иборат бўлиб, туман марказидан 40 км узоқликда жойлашган.

Бу туманда бугунги кунда 145 та қишлоқ ва 33 та маҳалла қўмиталари мавжуд, аҳоли сони 94837 кишини ташкил этади. Умумий аҳоли сонининг 50.6 % ни ёки 48104 кишини аёллар ташкил этади. Умумий аҳоли сонидан бу тумандан фақат 45864 нафар киши меҳнатга лаёқатли, жумладан 23374 нафарини аёллар ташкил этади. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли бўлиб ишламайдиган одамлар сони 16698 кишини ташкил этади. Шулар орасида 4397 киши хомиладорлик ва туғиш таътилида, 51 нафар киши 1-гурух ногирони, 392 нафар киши 2-гурух ногирони, 1714 нафар киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийётганлиги сабабли ишламайди.

Туманда нафақахўрлар сони 10008 нафар кишидан иборат бўлиб, 38965 нафар киши эса болаларга тўғри келади. Жумладан 3 ёшгача бўлган болалар сони 7038, 4-6 ёшдаги болалар сони 7212, 7-14 ёшдаги болалар сони 19906, 15-16 ёшдаги болалар сони 4809 нафар кишига тенгдир.

Бугунги кунда туманда аҳолига хизмат кўрсатиш учун 220 та дўконлар, 207 та маиший хизмат кўрсатадиган кичик корхоналар мавжуд. Туман аҳолиси болаларига таълим бериш учун 84 та умумий мактаблар, 7

та ўрта махсус касб-хунар коллежлари, 15 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Туманда аҳолининг маданиятини ошириш борасида 16 та кутубхона, 5 та клуб, 1 та стадион, 56 та спорт майдончалари шунингдек 22 та масжидлар фаолият кўрсатади.

Туман аҳолисининг соғлигини сақлаш учун бугунги кунда 6 та шифохона, 2 поликлиника ва 11 та дорихоналар хизмат кўрсатади.

Хозирги кунда туман ҳудудида 18468 та турар жойлари мавжуд, шунинг ҳаммаси шахсий уй-жойлари бўлиб ҳисобланади ва умумий турар жой фонди 1469.6 минг кв метрни ташкил этади. Унда 21456 нафар оилалар истиқомат қилади ва 1 киши ҳисобига турар жой майдони 15.3 кв метрга тенгдир.

Туманда ҳар жон бошига ўртача йиллик даромад 972140 сўмни ташкил этади. Жон бошига эса бу кўрсаткич 194428 сўм бўлиб ҳисобланади. Туман аҳолисини сув билан таъминлаш жуда муҳим вазифа, шу боисдан 298 км узунликдан водопровод тармоғи тортилган ва сув таъминоти 75.5 фоизни ташкил этади. Шу билан биргаликда 177.3 км канализация, 575 км газ тармоғи тортирилган ва газ билан таъминланиш даражаси 40.7 фоизни ташкил этган. Барча хонадонлар электр тармоғи билан таъминланган.

Туман ерларининг асосий қисми қир-адирлик бўлиб асосан ғалла экилади ва уларга ишлов беришда турли техника воситалари ишлатилади. Техник воситаларни сақлаш учун туманда махсус автобаза жамжармаси ташкил этилган ва хўжаликларга сервис хизматини кўрсатади.

Қўшработ туманинг ерлари асосан бўз тупроқ бўлиб ҳисобланади, ер ости сувлари чуқур жойлашган (8-10 метр) об-хаво ва иқлим шароити кескин континентал бўлиб баҳор тез ўтади, қиш ҳам ўрта ҳисобда 75-90 кунни ташкил этади. Лекин 2008-йил қиш фасли туман учун анча оғир келди, қор кўп ёғди ва қаттиқ совуқ бўлди. Бунинг натижасида хўжаликларда қийинчиликлар юзага келди.

Туман худудида кўп йиллар давомида ёз даврида ўртача харорат 38-40° иссиқ, қишда эса 7-15° совуқ харорат кузатилиб келади. Намгарчилик ўрта хисобида 300-350 мм га етади. Лалми ерларда экинзорлар асосан ёмғир орқали суғорилади шу боисдан уларнинг хосилдорлиги кўп эмас ва ўрта хисобда 15-18 центнер ни ташкил этади.

Туман иқтисодиёти асосан ғаллачилик, картошка, сабзавот, полиз экинлари ва чорва молларининг урчитилиши ҳамда улардан махсулот олиш билан ифодаланади. Бу хусусиятларни инобатга олиб тумандаги чорва молларининг туёқ сони аниқланди ва олинган натижаларни 1-жадвалда келтирамиз.

Жадвалдан кўринадики туманда жами 68066 бош чорва моллари урчитилмоқда шундан 62310 бош ёки 91.5 % аҳолида урчитилаётган молга тўғри келадт, 8.5 % ни фермер хўжаликларида урчитилаётган моллар ташкил этади. Сигирлар сони жами бўлиб 23746 бошни ёки умумий қормоллардан 34.9 % ни ташкил этади. Қўй ва эчкиларнинг умумий сони 273831 бошни ташкил этиб шундан 78.5 % шахсий оилаларда, 2.9 % қишлоқ хўжалик корхонасида, 18.6% фермер хўжаликларида урчитилаётган қўй ва эчкиларга тўғри келади. Йилқи ва паррандаларни урчитишда фақат шахсий оилалар фаолият кўрсатади.

**Қўшрабод туманидаги чорва молларининг бош сони тўғрисида****М А Ъ Л У М О Т****1-жадвал**

№	Хўжалик шакли	Турли чорва моллари сони (бош)				
		Қорамол сони (бош)	Шундан сигирлар сони (бош)	Қўй ва эчкилар сони (бош)	Ўйилқилар сони (бош)	Парранда лар сони (бош)
1	Шахсий оилаларда	62310	22582	214998	3965	155937
2	Қишлоқ хўжалик корхоналарида	-	-	8171	-	-
3	Фермер хўжаликларида	5756	1164	50662	-	-
Жами туман бўйича		68066	23746	273831	3965	155937

Қўшработ туманидаги қишлоқ хўжалик экинлари учун ажратилган ер майдони тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда акс эттирилган.

**Тумандаги қишлоқ хўжалик экинлари майдони****2-жадвал**

№	Экин тури	Ўлчов бирлиги (га)	Экин майдонлари
1	Ғалла экинлари	(га)	115679
2	Картошка экинлари	(га)	164
3	Сабзавот экинлари	(га)	235
4	Полиз экинлари	(га)	226
5	Озуқа экинлари	(га)	2320
Жами: туман бўйича		(га)	118624

Туман худуди жами бўлиб 215973 гектарда жойлашган, лекин шундан 118624 га ер майдонида турли қишлоқ хўжалик экинлари экилади, ёки бу кўрсаткич умумий ернинг 54.9% ни ташкил этади.

Экин майдонинг асосий қисмида ғалла экилган. Умумий экин майдонидан ғаллага ажратилган ер майдони 97.5% тенг бўлиб, туман иқтисодиётини ва йўналишини белгилайди. Ғалла билан биргаликда туман аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун 164 га картошка, 235 га сабзавот, 226 га полиз экинлари экилади. Чорва молларини озуқа билан таъминлаш учун 2320 га озуқабоп экинлар экилади.

Экин майдонлари, чорва молларининг бош сонини ўрганиш билан биргаликда туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши ҳам ўрганилди ва бу кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда ўз аксини топган.

**Кўшработ туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб  
чиқарилиши тўғрисида**

**М А Ё Л У М О Т**

**3-жадвал**

<b>№</b>	<b>Маҳсулот тури</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар</b>
<b>1</b>	Гўшт	Тонна	8796
<b>2</b>	Сут	Тонна	23628
<b>3</b>	Тухум	Минг дона	9304
<b>4</b>	Жун	Центнер	4493
<b>5</b>	Қоракўл тери	Дона	9785
<b>6</b>	Дон (ғалла)	Тонна	4661
<b>7</b>	Картошка	Тонна	2150
<b>8</b>	Сабзавот	Тонна	3698
<b>9</b>	Полиз	Тонна	3469
<b>10</b>	Мева	Тонна	4715
<b>11</b>	Узум	Тонна	24491

Жадвалдаги махсулотлар туман аҳолисининг эҳтиёжини ва иқтисодиётини, ҳамда туманнинг рентабеллик даражасини кўтариши кўзда тутилган.

Қорақўл қўйлари туман ҳудудида жойлашган яйловларида асраб боқилади. Бу ишларни амалга ошириш учун етарли даражада чўпонлар, қўйхоналар, зарурий қуроллар, асбоб ускуналар, итлар, ҳамда эшаклар мавжуд.

Туман ҳудудининг яйловларида асосан табиий ўсимликлар ўсади ва ҳосилдорлиги бўйича қўйларни озиқ моддаларига бўлган талабини қондиради. Туман ҳудудидаги яйловлар қиш, баҳор, ёз ва куз фаслларида фойдаланилади. Шўра ўсимликлари ўсадиган яйловлар асосан кузда ишлатилади чунки бундаги ўсадиган ўсимликларни шўри биринчи ёмғирлардан сўнг ювилади ва қўйларни истеъмолига яроқли бўлиб ҳисобланади.

Туман ҳудудида қўйларни суғорилишига ҳам катта эътибор берилган ва ҳар бир сурув учун махсус қудуқлар қазилган ва сув чиқарувчи насослар ўрнатилган. Қўйларнинг қишлоқ жойларига етарли даражада дағал ҳашаклар тайёрланиб ғарамланади ва қишнинг ёмон кунларида улардан фойдаланиб қўйлар озиқлантирилади. Қолаверса туманда қўйларни қочириш, қўзилатиш ва жун қирқиш учун махсус базалар ажратилган. Бу базалар тури технологик иш жараёнларини бажариш учун зарур бўлган асбоб ускуналар, анжомлар билан таъминланган.

Қўшработ тумани кўп қамровли бўлиб ҳисобланганлиги сабабли эътиборимизни 2002-йилнинг 6-сентябр ойида ташкил этилган Беган Бобо фермер хўжалигининг фаолиятини таърифлашга қаратдик.

Беган Бобо фермер хўжалиги “Сохибкор” қишлоқ фуқоролар йиғини, Дўстлик маҳалласи Болғоли қишлоғида жойлашган.

Фермер хўжалиги туман маркази Қўшработ шаҳарчасидан 7 км узоқликда, вилоят маркази Самарқанд шаҳридан эса 105 км узоқликда

жойлашган. Хўжалигимиз ерлари қир-адирликда жойлашган бўлиб, асосий йўналиши мева-сабзавот ва чорвачилик бўлиб ҳисобланади. Шу билан биргаликда бизнинг хўжалигимиз иуман маркази билан асфалт йўл орқали боғланган. Хўжалигимиз асосий ишчи органи бу хўжаликни бошқарадиган раиси бўлиб ҳисобланади.

Беган Бобо фермер хўжалигида соҳалар бўйича мутахассислар ҳам фаолият кўрсатади ҳамда хўжалик раҳбари хўжаликни ўз ишига таълуқли мутахассислар орқали бошқарилади. Ҳозирги кунда хўжаликнинг умумий ер майдони 140 га, шундан 40 га ҳайдаладиган ердир, қолган 100 гектари эса яйловлар бўлиб ҳисобланди. Хўжалик ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли хонадонлари ичимлик сувини водопроводдан олади ва истемол қилади. Хўжаликда битта 9 йиллик мактаб мавжуд бўлиб ва бу мактабда 150-200 нафар ўқувчилар таълим олади.

Хўжалигимизда икки минг аҳоли яшамоқда уларнинг миллий таркибининг асосий қисми ўзбек миллатига мансуб бўлсада қозоқ, рус, тожик, татар каби каби миллатвакиллари ҳам яшади. Хўжаликда маъмурият биноси, маиший хизмат кўрсатадиган озиқ-овқат ва саноат молларини сотиш расталари фаолият кўрсатади. Булардан ташқари оқсоқоллар чойхонаси, болалар боғчалари, дорихона, амбулаториялар ҳам бор. Қайд этилган ҳамма муассасалар хўжаликда яшайдиган аҳолининг хизматини қилмоқда, лекин зарурият туғилганда туман маркази дорихонаси, шифохонаси ва маиший хизмат кўрсатиш уйларида ҳам фойдаланилади.

Хўжалигимиз ҳудудида 1 та машина трактор парки ҳам бор. Бу паркда 1та ер ҳайдайдиган, 1та ерга ишлов берадиган техникалар мавжуд.

Хўжалигимизнинг иқлими Республикамиз иқлимига ҳосдир ва кескин-континентал деб ҳисобланади. Хўжалигимизнинг ўртача йиллик об-ҳаво ҳарорати 20-25 ° ни ташкил этади ва энг иссиқ ойлар бу июл ва август ойлари дир, бу ойларида ўртача кунлик ҳарорат 36-38° ташкил этади.

Баъзи кунларда бу харорат 40-45° га кўтарилади. Хўжалигимизнинг энг совуқ ойлари бу январ ва феврал ойлари дир, ва бу ойларда харорат 10-15° га пасайиб кетади, бази кунларда эса совуқлик даражаси 20° хам тушиб кетади.

Беган Бобо фермер хўжалигининг ер майдони, тупроғи асосан бўз ва қумлоқ тупроқлардан иборат бўлиб, хосилдорлиги тумандаги хўжаликларнинг хосилдорлигига тенг келади. Хўжалигимиз шароитида ер ости сувлари 5-10 метр чуқурликда жойлашган, қир шароитида эса бу кўрсаткич 25-30 метрни, айрим холларда 40 метрни ташкил этади. Бизнинг шароитимизда йиллик ўртача намлик 200-250 мм ни ташкил этади.

Хўжалик фермасининг чорва боқиладиган мухитини яхшилаш ва турли касалликлар тарқалишини олдини олиш учун унинг атрофи тўлик тўсилган ва бегона моллар киритилмайди. Бу ишларнинг хаммасини режалаштирилган холда хўжаликнинг мол дўхтири олиб боради. Фермер хўжалигининг озуқа жамғариладиган майдонлари мавжуд, барча хўжалик ишларини хамда махсулот ишлаб чиқариш, сотиш зоотехникнинг зиммасига юклатилган. Булардан ташқари у ўзининг кўл остидаги ишчиларининг соғлигига, доимий иш банд этишга, хамда молларни озиклантириш, урчитиш каби ишларга хам жавобгар дир.

Хўжаликда қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ўсимликларидан буғдой, нўхот, масхар, арпа кабилар экилади.

Барча қишлоқ хўжалик махсулотлари ердан олинади, демак қишлоқ хўжалик махсулотларини етказишда ер асосий восита бўлиб хисобланади. Бу манбаадан тўғри фойдаланиш ва режа асосида иш юритиш мухим ахамиятни касб этади, шу боисан хўжалигимиздаги ер майдонларига маъмуриятимиз ва аҳолимиз жуда хам катта эътибор бериб келмоқда, хўжалигимиздаги мавжуд бўлган ерларни ва уларнинг тақсимланишини 4-жадвалда келтираимиз.

**Беган Бобо фермер хўжалигининг умумий ер майдони ва унинг тақсимоти**

**4-жадвал**

Кўрсаткичлар	2013-йил		2014-йил	
	Хажми (га)	Улуши (%)	Хажми (га)	Улуши (%)
Жами ер майдони	160	100	160	100
Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар	160	100.0	160	100.0
Шу жумладан: шудгор қилинадиган ерлар	40	25.0	40	25.0
Яйловлар	100	62.5	100	62.5
Кўп йиллик экинзор ерлари	10	25.0	10	25.0
Ахоли томорқалари	20.0	12.5	20.0	12.5

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 160 га тенг, яйловлар 100 га, қишлоқ хўжалигидаги ерларнинг 40 га хайдалган, 10 га кўп йиллик экинзорлар ва 20.0 га ахоли томорқаларини ташкил этмоқда. Жадвалдан кўриниб турибдики лалми ер хўжаликда йўқ. Умумий ерларнинг 100 га яйловлар ташкил қилмоқда, бу яйловлардан хўжалигимиз қўшимча озука хам этиштиради ва умумий ернинг 62.5 % ни ташкил этади. Ерларнинг 25% ни турли экинзорлар ва 12.5 % ни ахоли томарқолари эгаллайди.

Қишлоқ хўжалигимиздаги яроқли ер майдоларига хўжаликнинг режасига ва йўналишига биноан турли экинлар экилмоқда. Бу тўғрида маълумотни 5–жадвалда келтирамиз.

Жадвалдаги рақамлардан кўринадики ердан фойдаланишда сўнгги икки йил ичида ўзгариш бўлмаган. 2013-2014 йилдаги жами экин майдони 40 га ташкил этган, шундан ғалла майдони 20 га, сабзавот экинлари 2.0 га, полиз экинлари 1.0 га, озуқабоп экинлар майдони эса 17.0 га, шундан кўп йиллик экинлар учун 10 га, 4 гектари кўк ўт ишлаб чиқариш учун ишлатилган.

## ХЎЖАЛИК ЕР МАЙДОНЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТИ

### 5-жадвал

Экин турлари	2013-йил	2014-йил
	Хажми (га)	Хажми (га)
Жами ҳайдаланиладиган ерлар	40	40
Шу жумладан		
Ғалла экинлари	20	20
Сабзавот экинлари	2.0	2.0
Полиз экинлари	1.0	1.0
Озуқабоб экинлар	17.0	17.0
Шундан кўп йиллик экинлар		
Пичан учун	10	10
Кўк ўт учун	4	4
Макка силоси учун	2.0	2.0
Макка дон учун	1.0	1.0

Макка дони ва силоси экилган майдон тегишли равишда 2.0 ва 1.0 га ни ташкил этган. Биз ишимизни чорвачилик соҳасига қаратганимизни инобатга олиб хўжаликдаги озуқа жамғармасини ҳам кўриб чиқдик ва олган маълумоиларни 6-жадвалга келтирамиз

### Беган Бобо фермер хўжалигидаги чорва моллари учун озуқа жамғарилишининг ишлаб чиқилиши

### 6-жадвал

Озуқа турлари	Ўлчов бирлиги	2012-йил		2013-йил	
		Режа	Амалда	Режа	Амалда
Беда пичани учун	Тонна	120	128.0	130.0	135.0
Сомон учун	Тонна	250	250	250	260
Макка силоси учун	Тонна	100	150	190	210
Макка дони учун	Тонна	35.0	39.0	36.0	39.8

Хўжалик молларини боқиш учун юқорида қайд этилган озуқаларни ишлатади, сўнги икки йил ичида жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики озуқа ишлаб чиқариш кўпайган ва фермадаги барча чорва молларининг озуқага бўлган талаби тўла қондирилган. Демак хўжалик ерларидан унумли фойдаланаётганлиги кузатилади. Чорвачилик соҳасида ва ўсимлик соҳасида ҳам маълум бир товар маҳсулоти олинган. Бу маҳсулотни сотилиши хўжалигимизнинг кучини аниқламоқда ва таъминлаб келмоқда. Сўнги йилларда хўжаликдаги ишлаб чиқарилган товар маҳсулотлар ва уларнинг сифати 7-жадвалда кўрсатилган.

**Беган Бобо фермер хўжалигининг товар маҳсулоти, хажми ва унинг таркиби**

**7-жадвал**

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2012-йил		2013-йил	
		Жами	%	Жами	%
Ялпи маҳсулотдан олинган даромад	Минг сўм	3802	100	4500	100
<b>Ш у н д а н :</b>					
Ўсимликдан	Минг сўм	3865	96.3	4380	97.3
Чорвачиликдан	Минг сўм	117	3.7	120	2.7
Қорамолчиликдан	Минг сўм	97	98.2	100	98.3
Қўйчиликдан	Минг сўм	20	1.8	20	1.7

Чорвачилик соҳасида товар маҳсулотини ишлаб чиқаришда ва унинг сотилишида деярли ўзгариш 2013-йилда 2012-йилдагига нисбатан 698 минг сўмга устунлик қилган. Шунда 2012-йил 117 минг сўмни, 2013-йилда эса 120 минг сўмни ташкил этганлигини кузатамиз. Чорвачилик соҳаси умумий даромаднинг 2.7 - 3.7 % ни ташкил этади. Қорамолчилик ҳамда қўйчилик чорвачиликнинг асосий тармоғи бўлиб ҳисобланади ва аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўринга эгадир.

Биз олиб борган тадқиқот ишимиз чорва соҳасига бағишланганлиги учун бу соҳа устида алоҳида тўхталаб ўтмоқдамиз. Аввалам бор хўжалигимиздаги чорва сони ва туёғи билан танишиш лозим деб топдик ва бу борадаги маълумотларини 8-жадвалда келтирамиз

### Беган Бобо фермер хўжалигининг чорва молларининг бош сони

#### 8-жадвал

Хайвон турлари	2012-йил			2013-йил		
	Режа	Амалда	%	Режа	Амалда	%
Жами қорамол сони	30	30	100	30	31	103.3
Шундан: сигирлар сони	15	15	100	15	16	106.7
Наслдор буқалар сони	1	1	100	1	1	100
Жами қўйлар сони	300	320	106.7	320	370	108.8
Шундан: совлиқлар сони	250	260	104.0	260	280	107.7
Наслли қўчқорлар сони	12	13	108.3	13	14	107.7
Жами йилқи сони	10	10	100	10	10	100
Шундан: биялар сони	2	2	100	2	2	100

2013-йил чорва молларининг ҳамма соҳаси бўйича 2012-йилга нисбатан бош сони ошиб борган, бинобарин қорамоллар сони 1 бошга ёки 3.3 % га ўсган. Қўйчилик бўйича 2012-йилда режа 20 бошга ёки 6.7 % га оширилган. Бу кўрсаткич 2013-йилга келганда 30 бошга ёки 8.8 % ни ташкил этганлигини кузатилади. Шундан совлиқлар сони 20 бошга оширилиб 7.7 % ни ташкил этган. Йилқи сони хўжаликда бир текис бўлиб шундан фақат 2 боши биялар ҳисобланади.

Молларнинг бош сонидан ташқари улардан ишлаб чиқариладиган маҳсулдорлигини ҳам ўрганиб чиқдик. Бу тўғрисидаги маълумотларни 9-жадвалда келтириб ўтамиз.

**Беган Бобо фермер хўжалигидаги чорва молларининг  
махсулдорлиги**

**9-жадвал**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012-йил			2013-йил		
		Режа	Амалда	Бажариш	Режа	Амалда	Бажариш
Хар сигир бошига олинган сут	Литр	2200	2350	107	2500	2500	100
Қорамолнинг суткалик ўсиши	Гр	350	300	85.7	350	350	100
Қорамолнинг ўртача тирик вазни	Кг	400	380	95	400	400	100
Жами бузоқ олиниши	Бош	14.0	15.0	102	15.0	14.0	97
Қўйларнинг ўртача тирик вазни	Кг	45	45	150	45	45	100
Хар қўйдан олинган жун	Кг	2.7	2.7	100	2.8	2.7	94.4
Жами кўзи олиниши	бош	250	260	104.0	280	290	103.5

Жадвалдаги маълумотларга биноан 2012-йилда хўжалигимизни баъзи кўрсаткичлари режага нисбатан паст бўлган ёки режа бажарилимай қолган, масалан қорамолларнинг суткалик ўсиши 14.3 % га бажарилмаган, ўртача тирик вазни 5 % га бажарилмаган. 2013-йилдаги кўрсаткичлар 2012-йилга нисбатан устун аммо бу йилда ҳам бузоқ олиш, жун ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилмаган.

Сўнги йилларда хўжалигимизда айтарли даражада маҳсулот ишлаб чиқарилди ва сотилди. Бу кўрсаткичларни ўрганиб чиқиб 10-жадвал мисолида келтирамиз.

## Беган Бобо фермер хўжалигида махсулот ишлаб чиқарилиши

10-жадвал

Махсулот тури	Ўлчов бирлиги	2012-йил			2013-йил		
		Режа	Амалда	Бажариш (%)	Режа	Амалда	Бажариш (%)
<b>Ишлаб чиқариш</b>							
Сут	Тонна	33.05	35.2	106.7	37.5	40.0	106.7
Гўшт	Тонна	3.5	3.5	100	3.7	3.7	100
Жун	Кг	621.0	675.0	108.7	700.0	837.0	119.6
Сут	Тонна	30.5	32.5	106.5	35.0	35.0	100
Гўшт	Тонна	3.0	3.0	100	3.0	3.0	100
Жун	Кг	621	675	108.7	700	837	119.6

Чорва махсулотларини этказилиши ва сотилишида 2013-йилда 2012-йилдагига нисбатан анча ўзгариши бўлган ва барча махсулотлар режага биноан бажарилган. Хўжалигимиздаги чорва махсулотларининг ишлаб чиқарилишида харажатлар сарф бўлган ва бу харажатлар махсулотларини таннархини хосил этганлигини иноботга олиб чорва махсулотларини таннархини хосил этганлигини иноботга олиб биз чорва махсулотларини таннархини ўргандик ва олган маълумотларни 11-жадвалда келтирдик.

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики чорва махсулотларининг таннархи 2012-йилга нисбатан ошган, бунинг сабаби барча харажатларнинг нарх навоси ошганлигидадир. Лекин сўнги йилларда режадаги ва амалдаги таннархнинг орасида жуда катта фарқ бор. Буни бартара этиш борасида хўжаликдаги қўл кучини камайтириб янги илғор технологиялардан фойдаланиш зарур.

**Беган Бобо фермер хўжалигидаги чорва махсулотларининг  
таннархи**

**11-жадвал**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли ги	2012-йил			2013-йил		
		Режа	Амал да	Режага нисбатан + -	Режа	Амал да	Режага нисбатан + -
Қорамолнинг 1 центнер семириши	сўм	21500	35000	+ 13500	24250	24250	+ 700
Кўйларнинг 1 центнер семириши	сўм	23000	28000	+ 1500	26000	28800	+ 280
1 центнер сут	сўм	28000	37000	+ 900	29500	31000	+ 150
1 центнер гўшт	сўм	22500	22700	+ 20	24500	25200	+ 70
1 центнер жун	сўм	15700	18000	+230	18000	2000	+ 200

Чорва махсулотларини этказиш учун анча куч қувват сарфланади, шунинг учун биз ишчиларнинг ишлаш унумдорлиги ҳам ўргандик ва бу борадаги маълумотларни 12- жадвалда келтирамиз.

**Беган Бобо фермер хўжалигидаги ишчиларнинг иш унумдорлиги  
12-жадвал**

Кўрсаткичлар	Ўлчов билиги	2012- йил	2013- йил
Хар ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган чорва махсулоти	Сўм	2957	4225
1 центнер сутга сарфланган ишчи кучи	Одам кучи		4
1 центнер қорамолларнинг семиришига сарфланган ишчи кучи	Одам кучи		6.5
1 центнер жун ишлаб чиқаришга сарфланган ишчи кучи	Одам кучи		4.7

2013-йили хар ишчи хисобига ишлаб чиқарилган чорва махсулоти 2012-йилга нисбатан анча юқори. Бундан бошқа хамма сохадаги махсулотларни ишлаб чиқарилишига 2013-йилда сарфланган ишчи кучи 2012-йилга нисбатан анча паст.

Демак 2013-йилги меҳнат унумдорлиги бўйича 2012-йилга қараганда анча яхши ҳолатда. Лекин чорвачилик бизнинг хўжалигимизда рентабеллик сохага тўлиқ айлангани йўқ шунинг учун маъмурият ва чорвадорлар олдида бу борада катта вазифалар мавжуд.

## **2.2 Тадқиқотлар манбаи ва уни ўтказиш услублари**

Тадқиқот ишимизнинг экспериментал қисми Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг тоғ олди ҳудудидаги Беган Бобо фермер хўжалиги шароитида урчитилаётган жайдари қўйлари устида олиб борилди.

Думбали, гўшт-ёғдор жайдари қўйлари Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яшовчи аҳолининг узок йиллар давомида олиб борилган селекциясининг махсули бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан улар кескин-континентал иқлим шароитига мослашган, чидамли урчитилишига ва махсулот беришига кам озуқа сарфлаши, тез этилиши билан характерланади. Бу йўналишдаги қўйлارни урчитилишининг асосий мақсади ҳудуд аҳолисини озиқ-овқатга, саноатни эса хом ашёга бўлган талабини қондириш ҳисобланади.

Бу қўйлар юксак ўсиш, ривожланиш ва биологик хусусиятлари билан ифодаланади, қўчқорларининг тирик вазни 60-70 кг, совлиқлариники эса 55-60 кг, янги туғилган қўзилариники 4-5 кг, 1 ёшдагилариники эса 40-45 кг ни ташкил этади. Бу қўйлардан бир қирқим фаслида қўчқорларидан 2.0-2.5 кг, совлиқларидан эса 1.5-2 кг, қўзиларидан эса 0.8-1 кг дағал жун олинади.


Тадқиқот ишимизнинг мавзуси оддий хўжалик шароитида урчитилаётган жайдари қўзиларининг ўсиши, ривожланиши ва

махсулдорлиги оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқлигини ўрганишга қаратилиб, йўналишда юқори махсулдор сурувларни яратиш ва сифатли махсулот ишлаб чиқариб, соханинг рентабеллик даражасини ошириш, шу асосида ишлаб чиқаришда фойдаланишга тавсия беришга қаратилган.

Мазкур ишларни бажариш учун фермер хўжалигида махсус қўй гурухлари ташкил этилди ва 13-жадвалга биноан ўрганиш амалга оширилди.

### Беган Бобо фермер хўжалигида тадқиқот олиб бориш режаси

13-жадвал



1. Қўйларнинг сони ва таркиби, экстерери, конституцияси
2. Қўйларнинг етилиши, пуштдорлиги ва бўғозлик даври
3. Турли ёш ва сутдор совлиқлар қўзиларининг ўсиши

4. Турли ёш ва сутдор совлиқлар қўзиларининг ривожланиши
5. Турли ёш ва сутдор совлиқлар қўзиларининг махсулдорлиги
6. Қўзиларнинг ўсиши, ривожланиши ва махсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги

Тадқиқотдаги қўйлар алохида гуруҳларга ажратилиб ўрганилди ва бунда оналар услубига амал қилинди. Демак бир гуруҳга киритилган қўй кўздан кечирилиб борилди ва жинси, ёши, вазнининг бир хил бўлишига эрилишди. Қўйларнинг ёшини аниқлашда уларнинг тишларининг тузилиши ва шаклини кўзда кўриб чиқиш орқали ўрганилди. Қўйларнинг сонини аниқлашда оддий санаш усули қўлланилиши билан биргаликда хўжаликнинг журнаliga эътибор қилинди. Қўйларнинг таркибини ўрганишда  $C = \frac{A}{B} \cdot 100\%$  формулага амал қилинди. Бунда: С – турли жинс ва ёшдаги қўйлар гуруҳини подага, сурувга нисбатан ифодаланиши бўлиб % да ўлчанади, А - сурувдаги қўйларнинг сони, В – хар алохида гуруҳдаги қўйлар сони.

Қўйларнинг етилишини уларнинг хулқ атвори ва шунингдек жинсий алоқага мойиллигига ва интилишига биноан кўриб аниқланади. Қўйларнинг пуштдорлиги улардан туғиш даврида олинган қўзи сони хисобига ва шунингдек қолишининг кўриниши ҳамда кўлда қорнини пайпастлаш орқали ўрганилди. Бўғозлик даври эса қочганидан то туғиш вақтигача бўлган давр бўлиб, қўйларни қочириш ва туғдириш ҳамда кўзда кузатиб бориш орқали ўрганилди.

Қўйларнинг сутдорлигини ўрганишда қўзиларни оч қорнига ва сут эмгандан сўнг тортилиб, фарқланишини ўрганиш орқали амалга оширилди, қолаверса сут эмиш даврида олинган тирик вазн 5кг сутга кўрайтириш орқали амалга оширилди.

Қолаверса совлиқлар махсус назорат кунларида соғилди ва улар декадага кўпайтирилиб ойлик, йиллик эса бир бирига қўшиб борилиши орқали сут миқдори ўрганилди.

Турли ёш ва сутдор совлиқлар қўзиларининг ўсиши, уларнинг хажми ошиши орқали ўрганилади. Е.Я.Борисенко (1967) услубига биноан мутлоқ нисбий ва суткалик вазнларини ошишини аниқлаш орқали амалга оширилди. Бу кўрсаткичларни ўрганишда қуйидаги формулалардан фойдаланилди.

1.  $W = W_t - W_o$  мутлоқ ўсиш формуласи. Бунда  $W$ - қўзилар вазнининг мутлоқ кўпайиши,  $W_o$ - қўзиларни ўрганишдан олдинги ёки дастлабки вазни,  $W_t$ - қўзиларнинг ҳисоб даврининг охиридаги тирик вазни.

2.  $C = \frac{W_t - W_o}{W_t - W_o} \cdot 100\%$  - қўзиларни вазнининг нисбий ўсиш

формуласи. Бунда  $C$ -нисбий ўсиш (фоиз ҳисобида)  $W_t$ - ва  $W_o$  100 % юқорида қайд этилганидек доимий континентал кўрсаткич.

3.  $A = \frac{W_t - W_o}{T}$  қўзиларнинг суткалик ўсиш формуласи. Бунда  $A$ - суткалик ўсиш кўрсаткичи,  $W_t$  ва  $W_o$  юқорида қайд этилганидек  $T$ - ўрганилган ёки давом эттирилган муддат.

Турли ёш ва сутдор совлиқлар қўзиларининг ривожланиши уларнинг функционал ўзгаришлари орқали ўрганилди.

Тажрибадаги жайдари қўйларининг гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифатини аниқлашда ВИЖ (1972) услубига амал қилиниб нимта вазни, ёғ вазни, чўйим вазни, нимта, ёғ ва сўйим чиқими ўрганилди. Қўйларнинг гўштини сифатини ўрганишда ГОСТ давлат андозасига амал қилинди.

Жайдари қўйларининг махсулдорлиги узунлиги- линейкада ўлчаб ўрганилди, йўғонлиги таққослаб ўрганилди, қирқиб олинган жунлар миқдори ВТП-200 маркали тарозида тортиш орқали ўрганилди.

Жунларнинг сифатини эса ГОСТ 7332-79 давлат андозасига таққосланиб ўрганилди, толасининг тоза чиқими ювилиб ва ГПОШ аппаратида қуритиш натижасида амалга оширилди.

Барча ёш ва урғочи жинсдаги қўйларининг урчитилиш самарадорлиги хўжаликдаги бухгалтерия бўлимида юритилган хисоботи ва махсулотларни сотишда юритилган колкуляциядан фойдаланиб борилди.

Тадқиқот давомида тўпланган маълумотларни Н.П.Плоханский (1969) услубида биометрик ишлов берилди.

### **III. БОБ. Тадқиқот натижалари**

#### **3.1. Хўжаликдаги жайдари қўйларининг экстеръери, конституцияси, сони ва таркиби.**

Беган Бобо фермер хўжалиги шароитида жайдари қўй зоти урчитилиб келинмоқда. Бу зот маҳаллий шароитга кўникган ва мослашганлиги билан унинг аҳолисини иш билан таъминлашда, турмуш даражасини яхшилаб озиқ-овқат маҳсулдорлигини ва хомашёсини етиштиришда муҳим ўрин тутди.

Бу қўйлар думбали гўшт-ёғдор йўналишида бўлиб, сохага таълуқли тана тузулишига эга. Шулар тахлили кўрсатадики бу қўйлар асосан қўйидаги конституция типларига бўлиниб уларги хос экстеръери кўрсаткичлари билан характерланади. Бу кўрсаткичлар орасида мустахам, қўпол ва нозик конституциялари алоҳида эътиборга моликдир.

Шулар қаторидаги зич, бўш конституцияга мансуб қўйлар ҳам мавжуд ва улар камчиликни ташкил этади, шундан келиб чиқиб Беган Бобо фермер хўжалигининг жайдари қўйлари уч конституцион тузулишга ажратилди.

1. Мустахам
2. Қўпол
3. Нозик

Бундай бўлинишда хўжаликнинг 50 % қўйлари мустахам конституциясига киритилди, 35 % қўпол ва қолган 15 % нозик типга мансуб бўлди.

Мустахам конституцион тизимидаги қўйларнинг танаси мутаносиб ривожланган, танасининг жун қоплами яхши ва ялтироқ, танасини тўлиқ қоплаган, суяклари бўртмаган, мустахам, яйловларда ҳаракатчан, териларининг қалинлиги ва семизлиги ўртача бўлиши билан белгиланади.

Айрим қўйларнинг суяклари йирик, бўртган, асосан бурун суяги, таналари ва бош катта, яйловларда жуда харакатчан, чарчамайди, кўп ўтлаб тўймайди. Жунлари дағал, тивити кам ва калта, шунингдек жун миқдори кам, танасининг барча бўғимларининг суяклари бўртиб чиққан ва бу кўрсаткичлар билан белгиланган жайдари қўйлари кўпол конституция тузилишига киритилган.

Танаси кичик, суяклари енгил, жун толаси деярли даражада калта, мойли ва танасига ёпишган тивит толасидан ташкил топган, озуқа истеъмолига мойил ва яхши бўлсада яйловларда кам харакатчан, қорни тўймайди, семириши ҳам суст хусусиятлари билан ифодаланган жайдари қўйлари нозик конституцияли тузилиши билан характерланади.

Беган Бобо фермер хўжалиги шароитида урчитилаётган жайдари қўйларининг экстерьер-конституцион кўрсаткичлари билан биргаликда уларнинг сони ва таркиби ҳам ўрганиб чиқилди.

Бу кўрсаткичлар мазкур ишимизнинг 14-жадвалида кўрсатилиб ўтилади.

Жадвалдаги маълумотларга кўра хўжаликда жами бўлиб 370 бош жайдари қўйлари урчитилмоқда, уларнинг 185 боши мустаҳкам, 130 боши кўпол ва 55 боши нозик конституционал типига тақсимланган. Умумий қўй сонидан наслдор кўчқорлар 14 бошни ёки 3.7% ни ташкил этган, 76

бошни 1-ёшдаги қўчқорлар ва совлиқлар ташкил этиб умумий қўйнинг 20.6 % тенг бўлиб ҳисобланади.

Хўжаликда жами қўзилаган совлиқлар сони 280 бошни ёки 75.7 % тенгдир. Шундан биринчи туққан совлиқлар сони 30 бошни ташкил этиб умумий қўйларга нисбатан 8.2 % тенг бўлган. Иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи туққан совлиқлар сони тегишли равишда 60-70-70-50 бошни ташкил этган, таркиби эса тегишли равишда 16.2-18.9-18.9 ва 13.5% тенг бўлган.

### **3.2 Жайдари қўйларининг етилиши, пушторлиги ва бўғозлик даври**

Барча тирик организмнинг асосий хўжаликка фойдали белгиларидан бири бу ўзларини такрорий ишлаб чиқариш ёки ҳаётга тиклашидир. Бу хусусият олимларнинг фикрига кўра хайвонлар фаолиятининг ташқи муҳитга боғлиқлиги билан ифодаланади.

Шунда хайвонларни қочириб туғдириш имконларига эга бўламиз. Бу хусусият эса жинсий органларининг етилишига асосланган. Талаба томонидан келтирилган маълумотларнинг таҳлил шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик хайвонлари бу ҳолатга турли ёшида эришади, шундан: биялар 18 ойлигида, қўй ва эчкилар 7-8 ойлигида, чўчқалар 5-8 ойлигида жинсий вояга етади.

Бу даврда қишлоқ хўжалик хайвонларининг етилиши жинсий етилиш билан ифодаланиб, улардан қочириб туғдириб олишга зоотехния

амалиётида йўл берилмайди. Шу аснода уларнинг физиологик умумий етилиши кутилади ва ундан сўнг қочирилишга руҳсат этилади.

Қўйларнинг етилиши уларнинг танасининг катталиги, семизлиги ва озиклантиришни яхшилаб бориши бу хусусиятларга ўз таъсирини ўтказди. Бундай шароитда ўсиб ривожланган қўйлар эрта (7-9 ойлик)

қочирилиб туғдириб олиш мумкин, лекин амалиётда улардан олинган қўзилар ўсиш, ривожланишдан қолиб кетиши ҳамда оналарининг махсулдорлиги пасайиб боришига ва иқтисодий жихатдан кўп харажатлар сарфлани билан ифодаланилади. Базаров, Азимов Г.И (1959, 1958).

Хўжаликда урчитилаётган қўйларнинг етилиши ва ундан самарали фойдаланиш жуда муҳим бўлиб соғлом, бақувват қўзи олиш ва шунинг негизида сурувларни яхшилаш, тўлдириш ва таъмирлаш хусусиятига эга бўлиш мумкин.

Тадқиқот ишимизда жайдари қўйларининг етилишини ўрганиб чиқиб унда эришган маълумотларни 15 жадвалда келтирамиз.

**Беган Бобо фермер хўжалигидаги жайдари қўйларининг етилиши ва қочирилиши.**

**15-жадвал**

Совлиқ гурухлари	Қўйлар сони (бош)	Етилиши ва қочириш ёши (йил)	Қочирилиш жадаллиги	
			Биринчи декадада	Иккинчи декадада
Биринчи туққан	30	1.5	30.8	69.2
Иккинчи туққан	60	2.5	50.2	49.8
Учинчи туққан	70	3.5	54.5	45.5
Тўртинчи туққан	70	4.5	52.0	48.0
Бешинчи туққан	50	5.5	40.4	59.6
Жами:	280		45.6	54.4

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб қай этамизки жами бўлиб хўжалигимизда 280 бош совлиқ мавжуд ва улар тўғиш ёшига кўра тегишли равишда 30-60-70-70-50 бошни ташкил этган. Шундан дастлабки етилиш ва қочиришга қўйилиш ёши 18 ойлигида ёки 1.5 йиллик ёшида амалга оширилган.

Қўйларни шунда куйикиб қочиришда ишлатилиш жадаллиги 1.5 ёшли совлиқларда қочиришнинг биринчи декадасида 30.8 % иккинчи декадасида эса 69.2 % ни ташкил этган. Иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи туғиш ёшидаги совлиқларнинг куйикиш жадаллиги тегишли равишда биринчи декадасида 50.2-54.5-52.0 ва 40.4 % ни ташкил этган.

Иккинчи даврида эса бу кўрсаткич 49.8-45.5-48.0 ва 59.6 % тенг бўлган. Етилиши ва қочиши бўйича хулоса шундан иборатки, қочишга мойиллиги ва жадаллиги учинчи ва тўртинчи туғиш совлиқларида кузатилган, кам бўлиши биринчи туғиш ёшидаги ва сўнгги этапда бешинчи туғиш ёшидаги совлиқларда кузатилган.

Қўйларнинг етилиши ва қочиш жадаллиги уларнинг ёши ва истеъмол қилган озуқаларидан фойдаланилган ҳамда ирсий хусусиятлари ижобий таъсир кўрсатган. Демак яхши семирган, танаси йирик ва катта ёшли қўйларнинг куйикиши ва қочирилиши жадал кечади.

Қўйларнинг яна бир биологик хусусияти бу уларнинг пуштдорлиги бўлиб ҳисобланади ва ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин бу хусусият барча хайвонларни урғочи вакилларига хос хусусият бўлиб ҳисобланади ва муҳим ишлаб чиқариш аҳамиятига эга.

Чунончи бу хусусият чорва молларининг бош сонини, маҳсулот олишини таъминлайди ва кўпинча ирсий ҳамда ҳаётий омиллари билан ифодаланади.

Қўйларнинг пуштдорлиги улардан олинган қўзи сони билан характерланади ва турли омилларга боғлиқ. Масалан Roberts ва Grow (1925) Синицина А.И (1939) таъкидлайдики қўйларнинг пуштдорлиги ва олинган қўзи сони уларни озиклантиришига, асрашига, оналарини эмиши ва шунингдек тирик вазнига бевосита боғлиқ.

М.Д.Зокиров (1955) олиб борган ишига биноан таъкидлайдики совлиқларнинг семизлиги ва улардан эгизак қўзи олинishi ва қисир қолмаслигига ижобий таъсир кўрсатган.

Шу хусусиятларни ўрганиб таҳлил қилиб, фикр билдириш тадқиқот ишимизнинг бир қисми бўлади ва ўрганишни тақозо этади. Хўжаликдаги совлиқларнинг қўзилаш чоғида тўпланган маълумотлар 16-жадвалда акс эттирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки совлиқларнинг тирик вазни уларни қочиришдан олдин бўғозлик ёки кўзилаш ҳамда кўзилагандан сўнг бир текис эмас. Бинобарин қочириш фасли кузга келганлиги учун уларнинг семизлиги баланд, чунки яйловларда яхши ўтлаган ва шунда совлиқларнинг туғиш ёшига биноан 50.4- 52.5 - 59.6 - 60.4 - 65.4 кг тенг бўлган (ўртача 57.7 кг) уларнинг қорнида хомила ўсиб ривожланиши тегишли равишда тирик вазнини ошишига олиб келган ва 54.7 - 56.5 - 62.8 - 64.4 - 69.9 - 61.6 кг га етказилган (ўртача 61.1 кг). Тукқандан сўнг соқлиқлар вазни туғиш ёшига биноан 48.7 - 49.5 -51.8 - 53.2 ва 58.2 кг ни ташкил этган (ўртача 52.9 кг) хар бир совлиқнинг тирик вазни кўзи туғиш эвазига ҳамда озиқлантириш доираси паст бўлгани учун кўзилаш давридан 8.7 кг ва дастлабки давридан 4.8 кг камайиб борган.

Бу хосиятлар бўйича учинчи ва тўртинчи туғиш ёшидаги совлиқлар бошқа тенгқурларига таққосланганда устунлик қилган. Қолаверса турли ёшдаги совлиқларнинг пуштдорлиги ҳам бир хил эмас. Ёшларида эгиз берадиган совлиқлар фақат 3.3 % га тенглаштирилган. Учинчи туғиш ёшидаги совлиқларнинг эгизак ёки серпуштлик қобилияти баланд бўлиб 5.7 % ни ташкил этган. Катта ёшли совлиқлар эса - бешинчи туғиш ёшидагилари эгизак кўзи туғмаган . Фермер хўжалик бундай кўйларни яроқсизга чиқариб, бўрдоқилаб, гўшт ишлаб чиқариш учун фойдаланади.

Ўрганилган кўрсаткичлар (етилувчанлиги, пуштдорлиги) қаторида фермер хўжалигининг фаолиятини белгилашда жайдари кўйларининг бўғозлик давомийлигини ҳам муҳум ўрин тутди. Бинобарин хаттоки бир турдаги хайвонларда бу биологик хусусият бир хил эмаслиги ва уларнинг ирсий ҳамда озиқланиши ва олинган авлодининг жинсига боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин.

Е.Б.Борисенко (1967) таъкидлайдики ёмон озиқланиш шароитида боқилган қишлоқ хўжалик хайвонларида бўғозлик давомийлиги чўзилади.

Н.Б.Арипов ва В.А.Петров (1935) ўз тажрибаларига таяниб таъкидлайдики ёмон озиклантириш шароитида асралган қоракўл совлиқларининг бўғозлик муддати қисқаради.

Шу хусусиятлардан келиб чиқиб бўғозлик муддатининг оптималлигига кўп омиллар таъсир этар экан ва уни ўрганишни тақазо этади. Беган Бобо фермер хўжалигидаги жайдари кўйларида бу кўрсаткич ўрганилди ва олинган маълумотлар 17- жадвалда акс эттирилди.

**Беган Бобо фермер хўжалигидаги жайдари совлиқларнинг бўғозлик давомийлиги**

**17- жадвал**

Ўрганилган кўй Гурухлари	Кўй сони (бош)	Бўғозлик давомийлиги (кун)			
		Ярка		Кўчқор	
		Ўртача	Лимит	Ўртача	Лимит
Биринчи туққан	30	150.0	146 – 154	150.5	146 – 155
Иккинчи туққан	60	151.5	149 – 154	152.0	150 – 154
Учинчи туққан	70	152.0	150 – 154	152.5	151 – 154
Тўртинчи туққан	70	152.0	149 – 155	152.5	150 – 155
Бешинчи туққан	50	152.5	150 – 155	153.0	151 – 155

Жадвалдан кўринадикки жайдари совлиқларининг ёши ва олинган кўзи жинси уларнинг бўғозлик давомийлигига турлича таъсир этган. Бунда ёштга биноан урғочи кўзи берган совлиқларнинг бўғозлик муддати эркак кўзи берганларига қараганда 1 – 0.5 кунга фарқ этганлигини кузатамиз. Совлиқларнинг ёши ошгани сари уларнинг бўғозлиги ҳам ошиб боришини кузатамиз.

**3.3 Турли ёш ва сутдор жайдари соғлиқлар кўзиларининг ўсиши.**

Барча тирик туғиладиган ёш организмга хаётининг дастлабки кунларида сут энг зарурий озуқа бўлиб ҳисобланади. Бинобарин сут олиш кўйчиликда янги туғилган кўзилар хаётининг биринчи кунларидан то бир ойлигига қадар она сути билан озикланади.

В.А.Петров (1930) олиб борган тажрибасига асосланиб, қоракўл қўйларидан 60-кун соғиш эвазига 25-30 кг сут олиш мумкин ва унинг ёғдорлиги 6-7% ташкил этади дея таъкидлайди.

Сут жуда кўп моддаларга бой ва чунончи қўзилар туғилганидан сўнгги даврида озиқ сифатида айнан сут билан озиқлантирилиб борилиши албатта бежис эмас. Сут 100 дан ортиқ моддалар манбаи бўлиб, нафақат қўзиларни эмдириш балки инсонларни озиқлантиришда ҳам юксак ўринни эгаллайди.

Шу боисдан жайдари қўйларининг сут махсулдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориб, унинг миқдори, ранги, зичлиги, таъми, хиди, ёғдорлиги каби кўрсаткичлари билан ҳам танишилди. Кўпчилик қўйларнинг устида илмий изланиш ишларини олиб борган олимларнинг фикрига кўра, қўйларнинг сути тахирроқ, ранги оч-сарғиш дейилади. Бу хусусиятлар доимий эмас ва сут бериш муддатлари бўйича ўзгариб боради, қолаверса яйловдан озиқланганлигига ҳам боғлиқлиги таъкидланади.

Сут ёғдорлиги ўрта ҳисобда 5-6% ни ташкил этади ҳамда сут зичлиги соғин даврига боғлиқ, дастлабки сут бериш даврида у қуюқ ва ўзига хос хусусиятлари билан ифодаланади. Соғин ўрталарига келганда суюқланиши билан бир қаторда ранги ҳам оқариб боради.

Қўйларни сутининг яна бир сифат кўрсаткичи унинг мазалиги ва лаззатлиги бўлиб ҳисобланади. Қўйларни сутининг бу хусусиятлари кўпгина ҳолларда уларнинг ёшига, соғим даврига, озуқа сифатига, ва об-хаво иқлимига боғлиқ. Жайдари қўйларининг сутининг оргонометрик кўрсаткичларига кўп омиллар таъсир этади. Уларни талаб даражасига эришиш учун қўйларни соғишда ва сутини сақлашда зооветеринария талабларига амал қилиш зарур. Қўйларнинг сутини оргонометрик кўрсаткичлари билан биргаликда миқдори ҳам аниқланди ва бу тўғрисидаги маълумотларни 18-жадвалда келтириб ўтамыз.

Жадвалдан кўринадика сут кўлами кўйларни ёшига боғлиқ. Биринчи тукқан кўйларни сутининг кўлами 44 кг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи тукқан совлиқларида эса тегишли равишда 50 – 56 – 52 – 46 кг бўлган. Биринчи тукқан совлиқларни сут бериш хусусияти бошқа гуруҳларга кўра кам бўлган, энг кўп сут 3 – 4 ёшдаги совлиқлардан олинган, бу ёшдан ўтгандан сўнг эса совлиқларнинг сутдорлиги яна камайиб бормоқда.

Кўйларнинг сут бериш қобилияти нафақат уларнинг ёшига қолаверса соғим ойига ҳам боғлиқ ва олимларнинг фикрига кўра энг кўп сут апрел ва май ойининг биринчи декадасида олинади. Бунинг сабабини кўпчилик олимлар яйловдаги ўтларни ўсиш ва май ойининг иккинчи ярмида кўриб кетишига боғлиқ эканлигини қайд этишмоқда. Жайдари кўйларининг сут махсулдорлигини тахлил қилиб чиқиб қайд этамизки улардан тўғри фойдаланиш натижасида фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни янада ошириш имконини мавжуд.

Бундай ишларни амалга оширилиши эса аҳолининг дастурхонини тўйимли озиқ-овқатлар билан таъминлаб беради ва озиқ – овқат дастурини амалга тадбиқ этишга хизмат қилади ва уни думбали гўшт – ёғдор кўйчилигида қўллаш хаёт тақозоси деб ҳисобланади.

Хўжаликда урчитилаётган жайдари совлиқларининг сутдорлигини ва унинг хусусиятларини адабиётлар асосида тахлил этилиши билан биргаликда улардан олинган кўзиларни амалиётда ўсишини ўрганишга ёндошдик.

Ўсиш К.Б.Сечинов (1965) К.Б.Сечинов, А.И.Аршовский (1967) фикрларига кўра муайян организмнинг вазнини, тана қисмларининг улғайиши билан ўлчанади ва жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Шулар каторида қўзиларни оналарининг ёши ва сутдорлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатиши В.И.Весин (1933) В.А.Петров (1935) И.Н.Дячков (1940-1941) томонидан ҳам ўрганилган ва эътиборга моликдир.

Шу кўрсаткичлар қайта даврига келиб эътиборсиз қолдирилди, лекин айнан бунда масаланинг долзарблиги ўз хажмини йўқотмаган. Чунки шулар асосида олиб борилаётган ишларни жонлантириб юқори махсулдор қўзилар олиб парваришлаб сохани сердаромадлигини ошириш кун таълаби бўлиб хисобланади.

Шундан келиб чиқиб биз Беган Бобо фермер хўжалиги шароитида урчитилиб келинаётган турли ёш ва сутдорлик махсулоти билан ифодаланган совлиқлардан олинган қўзиларнинг ўсишини аниқлашга ҳам ёндашдик. Бу кўрсаткич бўйича тахлил этилган маълумотлар эса 19 – жадвалда қайд этилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадик қўзиларнинг тирик вазнинга ва ўсиб боришига оналарининг ёши ва сут махсулдорлиги ижобий таъсир этган. Бинобарин қўзилар янги туғилганида бу фарқ ўрта хисобда 300-500 г оралиғида бўлса, ёши каттарган сари бу фарқ сезиларли даражада ўзгариб боришини кузатиш мумкин.

Биринчи туғиш ёшидаги қўзилар бир ойлик ёшда 8.0 кг, оналаридан ажратилганида эса 28.0 кг, кузги қирқимда 32.0 кг ни ташкил этган ва тегишли равишда 3.8 кг, 23.8 кг, 27.8 кг ўсиб борган.

Иккинчи туғиш ёшидаги совлиқларнинг қўзилари эса тегишли равишда 9.0-32.0-37.0 ёки 4.5-27.5-32.5 кг ўсган.

Учинчи туғиш ёшидаги совлиқлар ва туртинчи туғиш ёшидаги совлиқларнинг қўзилари тегишли равишда 10.0-35.0-39.5 ҳамда 10.5-34.0-38.5 кг бўлиб 5.2-30.2-34.7 кг ва 5.7-29.2-33.7 кг ўсган.

Бешинчи туғиш ёшидан олинган қўзиларнинг тирик вазни бу даврда 10.6-33.0-38.0 кг бўлиб 5.9-28.3-33.3 кг ўсганидан далолат беради.

Бу кўрсаткичларга асосланиб таъкидлаймизки иккинчи туғиш ёшидаги совлиқлар кўзиларининг тирик вазни, ўсиши бўйича биринчи туғиш ёшидаги кўзиларидан бир ойлигида 18.4 %, оналаридан ажратиш даврида 15.5 % ва кузги қирқимга келганда эса 16.9 % га устунлик қилган.

Учинчи туғиш ёшидаги совлиқларнинг кўзилари эса бу кўрсаткич бўйича биринчи туғиш ёшидаги совлиқлардан олинган тенгқурларига нисбатан 36.8-26.9-24.8 % га устун бўлган.

Туртинчи туғиш ёшидаги туғилган кўзилар эса 50.0-22.7-21.2 % га, бешинчи туғиш ёшидаги совлиқларнинг кўзилари эса 55.3-20.2 ва 19.8 % га устунлик қилган.

Демак учинчи ва тўртинчи туққан совлиқларнинг кўзилари яхши ўсиш хусусиятлари билан ифодаланган. Лекин дастлабки ёшида бу кўрсаткич бешинчи туғиш ёшидаги совлиқларининг кўзиларида юқори бўлсада сўнгги ўсиш даврига келиб улар ўз тенгқурларидан орқада қолиб кетиши кузатишган.

Тадқиқотга асосланиб қайд этамизки жайдари совлиқларнинг ёши ва сутдорлиги ҳамда кўзиларини яйловда оналари билан биргаликда боқиб борилиши ва озуқалар уларни ўсишига яхши таъсир этганини кузатишимиз мумкин. Шу хусусиятлар кўзиларни ўстиришда ва парваришlashда эътиборга олиш зарур.

Кўзиларнинг ўсишини кузатишда биз уларнинг тирик вазн ўзгариши ёки ошиши билан чегараламай тери қисмларини ўзгаришини ҳам кузатиб бордик ва бу ҳақдаги маълумотларни 20-жадвалда акс эттирдик.

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб таъкидлаш жоизки олинган кўзиларни тана ўлчовлари оналарининг ёшига ва сутдорлиги билан узвий боғланган. Масалан: танасидаги чўзилувчанлигини ифодалайдиган ўлчовлар ва уларнинг индекслари ошиб борган лекин танасини ихчамлайдиган ўлчовлар эса тегишли равишда пасайган.

Биобарин янги туғилган қўзиларга нисбатан уларнинг 6-ойлик тенгқурлари кўкрак айланаси, яғрини баландлиги бўйича бир мунча устунлик қилмоқда. Демак қўзиларнинг ўсиши оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқ.

Ёши кичик, сути кам бўлган она совлиқлардан олинган қўзилар ўрта ёшдаги совлиқларидан олинган тенгқурларига нисбатан анча пастки кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ёш ва қари совлиқлардан олинган қўзиларнинг меъёрий даражасида ўсишини таъминлаш, уларни яхши асраш ва озиклантиришни талаб этади.

Ўрта ёш ва яхши сут махсулотлари билан ифодаланган совлиқлардан олинган қўзилар танаси ва тана ўлчовлари хамда улар бақувват хаётчан, шу боисдан юқори кўрсаткичлар билан характерланади ва насл олиш учун ишлатишга тавсия этилади.

### **3.4. Турли ёш ва сутдор жайдари совлиқлар қўзиларининг ривожланиши**

Қўзилардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш, янги сурувларни ташкил этиш, таъмирлаш ва шунингдек махсулот ишлаб чиқаришда уларнинг ўсиш кўрсаткичлари билан биргаликда ривожланиш хусусиятлари хам мухим ўрин тутди. Шу сабабдан биз ўсиш кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш даврида қўзиларнинг ривожланишини хам ўрганишга ёндошдик, ва уларнинг хулқ-атвори, функционал ўзгаришлари, харакатланиши каби кўрсаткичларини аниқлашга хам катта эътибор қаратилди.

Бу кузатувлар шуни кўрсатадики, қўзилар шароитга мослаша билиши, озуқа истеъмол қилиши, кавш қайтариши ва яйловдаги харакатланиши турлича эканлигини, шу аснода барча қўзиларни яхши, ўрта ва паст ривожланган гурухларга бўлиб ўргандик.

Кузатувлар кўрсатадики яхши ривожланган қўзилар тетик, бақувват ва соғлом бўлиб, ташқи мухитга тезда мослашган, яйловда кўп харакатда

бўлгани кузатилади. Бу кўзиларнинг нафас олиш ритми талаб даражада бўлиб, тез семириб етилган. Ўрта меъёردа ривожланган кўзиларда эса, яйловларда юриши, озуқа истеъмол қилиши, кавш қайтариши ўрта даражада, яйловда бирмунча ётиб қолиши, кам ҳаракат қилган, яхши ривожланган кўзилар билан бахслашмаган.

Нимжон кўзилар эса яйловда кам ҳаракатда бўлиб, кўпинча ётиб қолгани аниқланди ва шунингдек кам озуқа истеъмол қилиб тенгқурларидан ривожланиши бўйича анча орқада қолганлигини кузатамиз.

Бу хусусиятларга эътибор берган ҳолда кўзилардан 50% яхши ривожланган, 40% ўрта даражада ривожланган ва 10% суст даражада ривожланган дея лозим топдик. Бу кўрсаткичлар қаторида кўзиларнинг жинсий органларини ва уларнинг жинсий етилишини ҳам кузатиб бордик.

Шу кузатув натижаларига биноан таъкидлаймизки, яхши ривожланган кўзиларнинг жинсий органлари ҳам тезда кўзга ташланди ва уларнинг жинсий алоқада бўлиш хусусиятлари ҳам тезроқ уйғона бошлашини кузатдик. Кўзиларнинг жинсий органлари, ҳулқ атворидаги ўзгаришларни кузатиб боришда шуни аниқладикки, кўчқорлар урғочиларидан устунлик қилмоқда, ҳулоса шундан иборатки кўчқорларнинг ривожланиши ёки етилувчанлиги жадалроқ ўтмоқда.

Бунинг натижасида уларнинг наслга яроқсизларини шу йилнинг ўзида бўрдоқига боқиб, семиртириб гўштга топшириш имконига эга бўламиз. Эришилган маълумотларга асосланиб таъкидлаймизки, яхши ўсиб борган эркак ва урғочи кўзилар утилувчанлиги бўйича ўрта ва суст ҳолда ривожланган кўзилардан анча устунлик қилган.

Кўзиларнинг ривожланиб боришини экстеръери бўйича ҳам кузатдик ва шу ҳулосага келдикки, кўзиларнинг экстеръери ҳам ўзгариб борган ва уларнинг жинси, ёши шунингдек озиқланиши, оналарининг ёшига ва

сутдорлигига, ҳамда йил фасллари билан ҳам боғлиқлигига ишонч хосил қилдик.

Қўзиларнинг ривожланиш хусусиятлари хаттоки уларни суякларидаги бўлиб ўтаётган ўзгаришлари билан ҳам белгиланади, чунончи суякларнинг ўлчами, ривожланиши бевосита қўзилар танасининг шаклланишига таъсир этмоқда. Демак суяклари яхши ривожланган қўзилар хаёти давомида тетик, бақувват ва кўп ҳаракатда бўлмоқда ҳамда яйловда озуқа истеъмол қилиб, жадал ривожланган ва тезда вояга етиб маҳсулот бериш қурбига эгадир.

Бу кўрсаткичларни ўрганган ҳолда тегишли равишда қўзиларни наслга қолдириш ёки комплекслигини аниқлашга ёндашиб борилди. Кузатув натижаларига ва адабиёт маълумотларига асосланиб таъкидлаймизки, қўзиларнинг ривожланиши жуда кўп омилларга боғлиқ ва уларни баҳолаб, синфий даражасини аниқлашда ҳамда келажакда маҳсулот ишлаб чиқаришда жуда муҳим ўрин тутди.

Жайдари қўзиларининг ривожланиши, уларнинг жинсий органларидаги, хулқ-атворларидаги ва шулар каби бошқа ўзгаришларини кузатиб бориш орқали аниқладик. Қўзилар ўзининг ривожланиш, шароитга кўникиши, мослашиши, хаётчанлиги ва ишлаб чиқаришда ишлатилиши бу йўналишда кўйларга хос ёки исталган типга жавоб берадиган бўлиб ҳисобланади.

Шу боисдан қўзиларнинг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, келажакда улардан фойдаланишини белгилашда бу хусусиятларга катта эътибор берилишининг ва унда ўрта ёшдаги ва яхши сут маҳсулоти билан характерланган оналар қўзиларини ажратиб олиб насли захира сифатида фойдаланиш зарур.

### 3.5 Турли ёш ва сутдор совлиқлар қўзиларининг махсулдорлиги.

#### 3.5.1 Гўшт махсулдорлиги ва сифати.

Олиб борилган тадқиқотимизда турли ёш ва сутдор жайдари совлиқларидан олинган қўзиларнинг гўшт махсулдорлигини аниқлашга ҳам ёндошдик. Бу ишни олиб бориш учун фақат кондицияга етган эркак наслга яроқсиз қўчқорлардан фойдаланилди.

Турли ёш ва сутдор совлиқларнинг қўзи туғиш ёшига қараб, гўшт махсулдорлигини аниқлаш учун хар бир гуруҳдан 5-бошдан 7-ойлик ёшидаги қўзи қўчқорлар гўшт учун сўйилди ва улар тўғрисидаги маълумот 21-жадвалда келтирилди.

Турли ёш ва сутдор жайдари совлиқлар қўзиларининг гўшт  
махсулдорлиги

**21-жадвалда**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Турли туғиш ёшидаги совлиқларнинг қўзилари				
		1- туғиши	2- туғиши	3- туғиши	4- туғиши	5- туғиши
Сўйишга ажратилган қўзи	Бош	5	5	5	5	5
Сўйимга топширилган тирик вазни	Кг	35	37	39	38	36
Сўйимдан олдинги тирик вазни	Кг	32	34.0	35.5	35.0	34.5
Олинган нимта гўшти	Кг	16.0	17.0	17.8	17.5	17.0
Олинган ёғ	Кг	3.0	3.5	3.9	3.6	3.3
Нимта гўштининг чиқими	%	50.0	50.0	52.1	50.0	49.3
Ёғ чиқими	%	9.4	10.2	10.9	10.3	9.6
Сўйим вазни	Кг	19.0	20.5	21.7	21.1	20.3
Сўйим чиқими	%	52.4	60.2	61.1	60.3	58.9

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики хўжаликда турли туғиш ёшидаги ва сутдор совлиқлардан олинган кўзилардан 5-бошдан наслга яроқсиз кўчқорлар тегишли равишда яйловларда яйратилиб, боқилиб гўштга сўйилди.

Кўзи кўчқорлар хўжаликда кассоб ёрдамида сўйилди ва унда барча технологик жараёнларни амалга оширишда сўйим андоза талабларига амал қилинди. Илк технологик жараён бунда сўйишдан олдин улар 24 соат давомида озиклантирилмади ва оч тутилди, бу ишларни эвазига ҳар бир сўйиладиган кўчқорни тирик вазни топширган даврига нисбатан 2.5-3.5 кг фарқ этган ёки нисбий ҳисобда бу кўрсаткич 8.5-10.5 % атрофида бўлиб, уларни тирик вазнига, оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқ.

Бу тўғрисида эришилган маълумотлар бошқа олимларнинг ҳам ишларига ўхшашдир. (Каяткин П.Ф, Абдувоитов Ш, Юлдашев А.А, Амиров А.К)

Сўйиш эса ВИЖ-1972 услубига биноан амалга оширилди ва бунда ҳар бир кўчқор аввал пичоқ ёрдамида тўлиқ қонсизлантирилди, ундан сўнгги босқичда терисини танасидан шилиб олинди. Бу тадбирлардан сўнг эса олдинги оёқлари тирсак бўғимларидан, орқа оёқлари тизза бўғимидан кесиб олинди.

Кейинги босқичда сўйилган тана осилиб қорин қисми очилиб ички органлари тўлиқ тозаланди. Тозалаш даврида ўпка, юрак, диафрагма, талоқ, жигар, буйраклар алохида ҳисобга олинди.

Бу ички органлар фермер хўжалигини ишчиларига истеъмол учун берилди. Бу технологик жараёнлар тугагандан сўнг ҳар бир сўйилган кўчқорларнинг нимтаси, ёғи алохида ажратилиб ҳисобга олинди.

Биринчи туғиш ёши ва сутдор совлиқлар кўчқор кўзиларидан 16.0 кг нимта гўшти ва 3.0 кг ёғ олинган, уларнинг сўйим вазни 19.0 кг ташкил этган. Олинган гўшт, ёғ вауа сўйим вазнини тегишли равишда 50.0-9.4-59.4 % ташкил этган.

Иккинчи туғиш ёши ва сутдор совлиқлар қўзиларини сўйишдан олдинги тирик вазни 34.0 кг бўлиб, улардан 17.0 кг нимта гўшти, 3.5 кг ёғ олинган. Сўйим вазни эса 20.5 кг ташкил этган. Бу махсулотларнинг чиқими тегишли равишда 50.0-10.2-60.2 % бўлган.

Учинчи туғиш ёшидаги совлиқлар қўзиларида эса сўйишдан олдинги тирик вазни 35.5 кг, нимта оғирлиги эса 17.8 кг, ёғ оғирлиги эса 3.9 кг, сўйим оғирлиги эса 21.7 кг, уларнинг чиқими эса тегишли равишда 52.1%, нимта чиқими 10.9%, ёғ чиқими ва сўйим чиқими 61.1% ташкил этган.

Тўртинчи ва бешинчи туғиш ёши ва сутдор совлиқлар қўзи қўчқорларида эса нимта оғирлиги тегишли равишда 17.5 ва 17 кг, ёғ оғирлиги 3.6-3.7 кг, сўйим вазни 21.1-20.3 кг бўлиб, чиқимлари тегишли равишда нимталари 50.0-49.3%, ёғи 10.3-9.6%, сўйими эса 60.3-58.9% ташкил этган.

Сўйим натижасидан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, уларнинг нимтасини, ёғини ва сўйим вазнини оғирлиги қўзиларни хаётида асраш, парваришlash ва боқиш шароити ижобий таъсир этган. Бинобарин учинчи ва тўртинчи туғиш ёшидаги совлиқлардан олинган қўзилар ўрганилган кўрсаткичлар бўйича ёш ва катта ёшдан олинган тенгқурларидан устунлик қилган.

Беган Бобо фермер хўжалиги шароитида асраб боқилган совлиқлардан олинган қўзилар гўшт махсулдорлиги бўйича думбали гўшт-ёғдор жайдари қўйларига хос ва уларни ГОСТ-5111-55 давлат андоза талабларига тўлиқ жавоб беради.

Қўзилар семизлиги бўйича оналарининг ёши ва сутдорлиги билан узвий боғланган ва бунда ёш ҳамда қари совлиқлар қўзилари ўрта ёшдаги оналардан олинган қўзиларга нисбатан суст бўлган. Тегишли равишда гўшtlарни семизлиги ўрта ёшдаги совлиқлар қўзиларида 85% биринчи, 15% иккинчи навларга киритилган, қари ва ёш совлиқлар қўзилари эса 80 ва 20 % ни ташкил этган.

Гўштга сўйилган қўйларни гўшт, ёғ, хажмини ва чиқимини ўрганиш билан бир қаторда улардан олинган субпродукталарни ҳам ҳисобга олдик ва бунда улар биринчи ва иккинчи тоифаларга ажратилди.

Умумий хулосо шундан иборатки қўчқорларнинг гўшт махсулдорлиги ва унинг сифати бевосита улар оналарининг ёшига, сутдорлигига ва озикланиш шароитига боғлиқ. Шу хусусиятларга асосланиб қайд этамизки хўжалик бир йилда туғилган ва наслга яроқсиз қўзиларни тегишли равишда (асосан ўрта туғиш ёши ва сутдорлик совлиқлар қўзиларини ) асраб, парваришлаб гўшт ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкони мавжуд.

Бу тадбирдан тўғри фойдаланиш эвазига асраб боқишга қолдирилган қўйларга озуқа захираси ошади ва яхши ривожланиб юқори махсулдорлик хусусиятларини вужудга келишига амалий ёрдам беради.

### **3.5.2 Жун махсулдорлиги ва сифати**

Беган бобо фермер хўжалиги шароитида урчитилаётган жайдари қўйлари бир хўжалик йилида икки маротаба қирқилган ва булар бахорги ҳамда кузги қирқиш бўлиб ҳисобланади. Хўжаликда 20131-йилда жами бўлиб 280 совлиқ ва 298 қўзи бўлган, шундан 298 қўзи бахорда қирқимга киритилмаган чунки улар жун қирқишга яроқсиз ёки етилмаган бўлган.

Хўжалик бўйича қирқимга кирган совлиқ ва қўзиларнинг жуни тахлили мазкур ишимизнинг 22-жадвалида ўз аксини топган.



Жадвалдаги маълумотларга асосланиб таъкидлаймизки барча ёшдаги совлиқ ва қўзиларни жунларини толасининг узунлиги бир хил эмас ва уларни ёшига, йилнинг фаслига, ўсиш муддатига ва озикланиш шароитига боғлиқ. Бунда тадқиқотдаги барча ёшдаги совлиқларнинг баҳордаги жун кузгига нисбатан узун бўлган, шунда биринчи туғиш ёшидаги совлиқларни баҳорги жун 11.0 см, кузгиси эса 9.0 см бўлган, ёки баҳоргига нисбат 2см кам бўлган. Учинчи ва тўртинчи туғиш ёшига келганда совлиқларни жун узунлиги бўйича 13.0-12.5 см ташкил этиб ёш ва қари совлиқларига кўра устун турган. Бу ҳолатни кузги даврда ҳам кўриш мумкин. Жунларнинг ухунлиги совлиқлардан қирқиб олинган жун миқдорига ижобий таъсир кўрсатган ва шунда ёш ва қари совлиқларга ўрта ёшдаги совлиқлар жун бўйича 0.2-0.3 кг фарқ этган.

Ёш ва катта ёшли совлиқларни қўзиларининг жун уларнинг оналари каби калта ва хажми паст, ўрта ёшдаги совлиқларнинг қўзилари эса юқори кўрсаткичлар билан ифодаланиб ёш ва катта ёшли совлиқлардан олинган тенгқурларидан устунлик қилган.

Хўжалиқда совлиқлардан жами бўлиб 604.8 кг жун олинган шундан 324.8 кг баҳорги ва 280. 0 кг кузги жун бўлиб ҳисобланади. Қўзилардан олинган жун миқдори эса 333.8 кг ташкил этган.Бу жунларнинг кўп миқдорини ўрта ёшдаги совлиқ ва улар қўзиларининг жунига тўғри келади.

Хўжалиқ йилида жами бўлиб 938.6 кг жун ишлаб чиқарилган. Ишлаб чиқарилган жунлар узунлиги ва хажми бўйича таҳлил этилиши билан биргалиқда унинг сифати ҳам таҳлил этиб борилди ва бу борадаги маълумотлар 23-жадвалда акс эттирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки биринчи туғиш ёшидаги совлиқларидан 36.0 кг жун олинган унинг 20.0 кг биринчи классга, 12.0 кг иккинчи классга ва 4.0 кг шалтоқи жунга киритилиб толасининг тоза чиқими эса тегишли равишда 74-70-60 % ташкил этган. Бу қўй ва қўзилардан кузга келиб 58 кг жун етиштирилган ва у қуйидагича тақсимланган. Ифлосланган гурух – 220 кг, поярка (қўзи) жуни 29 кг, шалтоқи жун эса 7 кг ташкил этиб толасининг тоза чиқими эса тегишли равишда 37.9-50-12.1 % бўлган.

Иккинчи туғиш ёшидаги совлиқ ва қўзилардан олинган жунларни тақсимоти қуйидагича бўлган: Бахорда жами бўлиб 72 кг жун олиниб унинг 38.0 кг биринчи классга, 26.1 кг иккинчи классга ва 7.9 кг шалтоқи жун бўлган, кузда эса жами 129.3 кг жун қирқилган. Шундан поярка жунинг миқдори 69.3 кг, қолгани совлиқлардан олинган. Толасининг тоза чиқими эса бахорда 74-72-64.0 %, кузда эса тегишли равишда 47.2-45.9 ва 6.9 % ташкил этган.

Учинчи ва тўртинчи туғиш ёшидаги совлиқлар ва қўзилар юқори кўрсаткичлар билан ифодаланган ва тегишли равишда бахорда 91-84 кг. Жун берган синфий даражаси эса 52-49 кг – биринчи класс, 30.5-27.0 кг – иккинчи класс, 8.5-8.0 кг шалтоқи жун бўлган. Толасининг тоза чиқими эса 76.0-72-70-65-62.0 % ташкил этган.

Кузда эса улардан 180.2-163.4 кг жун олиниб қуйидагича тақсимланган. Ифлосланган биринчи гурухга 89.0-80.8 кг, поярка жунига 79.2-70.6 кг ва шалтоқи жунга 12.0 кг жунлар киритилган. Улар толасининг чиқими тегишли равишда 49.4-43.9-7.4 % оралиғида бўлган.

Бешинчи туғиш ёшига келиб совлиқ ва қўзиларнинг жун миқдори ва сифат даражаси пасая бошланган, чунончи улар бахорги жунлари толасининг тоза чиқими 72-71-60 % ташкил этган. Кузги қирқимда эса 46.1-44.4 ва 9.5 % тенг бўлган.

Эришган натижаларга асосланиб қайд этамизки совликларнинг жун махсулдорлиги ва сифати уларнинг ёши ва озиклантирилиши ижобий таъсир кўрсатган. Қўзиларининг жун махсулдорлиги эса оналарининг ёши, сут махсулдорлиги билан ҳам ифодаланиш каторида асраш ва парваришlash шароитига боғлиқ эканлигини уқтириб ўтамыз.

Эришган маълумотларимизни адабиётлар маълумотлари билан солиштирганимизда фикрларимиз айнан уларни ўхшалидир деб ҳисоблаймиз. Шу боидан хўжаликда урчитилаётган қўй сурувларини таъмирлашда, янгилашда айнан ўрта ёшдаги совликлардан олинган қўзилардан фойдаланишни тавсия этамыз.

### **3.6 Турли ёш ва сутдор совликлар қўзиларининг ўсиши, ривожланиши ва махсулдорлигининг иқтисодий самарадорлиги.**

Тадқиқот олиб борилаётган барча ишлар хўжаликдаги ишлаб чиқаришга фойда ёки зиён келтиришини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин эришилган маълумотларни яқунлаш даврида, хўжаликка фойда келтирган бўлса ишлаб чиқаришда кенг фойдаланишга тавсия этилади. Шу боисдан Беган Бобо фермер хўжалиги шароитида урчитилаётган жайдари қўзиларининг ўсиши, ривожланиши ва махсулдорлиги оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқлигини ўрганишда бу масаланинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга ёндошдик ва бу ҳақдаги маълумотларни 24-жадвалда акс эттирдик.

#### **Жайдари қўзиларининг ўсиши ва махсулдорлигининг самарадорлиги**

**24-жадвал**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Тирик вазн ўсиши	Гўшт	Жун
Ҳисобга олинган қўзи сони	Бош	5	5	5
Бир бош ҳисобига олинган	Кг	37.0	20.5	2.16

махсулот				
Жами олинган махсулот	Кг	185.0	102.5	10.8
1 кг махсулотнинг таннархи	сўм	4200	6400	800
Жами махсулот таннархи	сўм	155400	131200	1728.0
1 кг махсулотни сотиш нархи	сўм	5250	8400	650
Махсулотни сотишдан олинган ялпи даромад	сўм	194250	172200	1296
Олинган соф фойда	сўм	38850	41000	-432
Рентабеллик даражаси	%	25.0	31.25	-

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки кўзиларнинг тирик вазни тадқиқот давомида 37.0 кг ёки жами ҳисобга олинган кўзи сонига 185.0 кг ташкил этган. Тирик вазн ўсишига кетган харажатлар эса 1 кг ҳисобига 4200 сўмни жами тирик вазни ўсишига эса 155400 сўмни ташкил этган. Тирик вазнининг сотилишига эса 5250 сўмни ташкил этиб, уларни тириклайин сотишдан хўжалик 194200 сўм даромад қилган. Соф фойда ва рентабеллик даражаси тегишли равишда 38850 сўмни ёки 25.0% ташкил этган.

Хўжалик гўшт ишлаб чиқаришда ҳам яхши натижаларга эришган ва таннархи ва сотилиши орасида 2000 сўм фарқ мавжуд. Шу аснода хўжаликда жами ҳисобга олинган гўштнинг таннархи 131200 сўмни ташкил этган. Уни сотишдан эса 172200 сўм ялпи даромад олинган, ундаги соф фойда 4100 сўмни ташкил этиб, 31.25 % рентабеллик даражасига эришилган.

Жун ишлаб чиқарилиши хўжаликка 432 сўм зиён келтирган ва бунинг сабабини таннархининг сотилиш нархига нисбатан юқори бўлганидан биламиз.

Келтирилган маълумотларга асосланиб қайд этамизки, хўжалик қўзиларни парваришлашда ва гўшт ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришган. Лекин жун ишлаб чиқарилишини янада жадаллаштириб унинг харажатларини пасайтиришга, сифатини ошириб, сотилиш нархини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаймиз

## Х У Л О С А

Тадқиқот давомида эришилган натижаларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Хўжаликда урчитилаётган жайдари қўйларининг экстеръери, конституцияси, зотга мансуб бўлиб мустахкам, дағал, бўш, зич ва нозик типларга ажратилган.
2. Қўйларнинг жинсий ва физиологик етилиши айрим вакилларида эрта 6-7 ойлик ёшида бошланган. Шундан кўчқорлар, совлиқларга нисбатан эрта етишмоқда.
3. Жайдари қўйларидан 6-7 ойлик етилишида қочириб фойдаланиш учун уларни тегишли равишда асраб озиклантиришни талаб этади. Шу боисдан хўжалик шароитида улар 18 ойлик ёшида етилиб, такрорий ишлаб чиқаришда ишлатилган. (15-жадвалга қаралсин)
4. Жайдари совлиқларининг пуштдорлиги уларнинг ёшига, семизлигига ва шунингдек сут бериш хусусиятлари билан ифодаланади. Тадқиқотимизда совлиқларнинг ёши ва сутдорлиги бу хусусиятига ижобий таъсир этган. Бинобарин ёш ва қари совлиқларнинг пуштдорлиги ўрта ёш ва сутдор совлиқларининг пуштдорлигидан анча паст. (16-жадвалга қаралсин)

5. Совлиқларнинг бўғозлик даври ўрта ҳисобда 148-155 кун давом этган. Шундан ёш совлиқларининг бўғозлиги, қари тенгқурларига кўра кам давом этади ва бу фарқ 4-5 кун оралиғида бўлган. (17-жадвалга қаралсин)
6. Совлиқларнинг ёши, сутдорлиги, семизлиги ва туғиш фасли кўзиларининг бақувватлигига, соғломлигига, серпуштлигига ва шунингдек тирик вазнига ижобий таъсир этган.
7. Жайдари совлиқларининг сутдорлиги биринчи туғиш ёшида 44 кг, иккинчи туғишида 50 кг, учинчи туғишида 56 кг, тўртинчи туғишида 52 кг ва бешинчи туғишида 46 кг бўлган. Демак ёш ва қари совлиқларнинг сутдорлиги ўрта ёшидаги совлиқларига кўра 10-12 кг паст бўлган. Қолаверса кўйларнинг сутдорлиги уларнинг озикланишига ва йилнинг фаслига боғлиқ. (18-жадвалга қаралсин)
8. Ёш ва қари совлиқлардан олинган кўзиларнинг ўсиши ўрта ёшдаги тенгқурларига нисбатан сус т бўлиб, ўрта ҳисобда 15-20% оралиғида бўлган. Бунда кўзиларнинг тана қисмлари ўсиши ҳам фарқ этган. (19-20 жадвалга қаралсин)
9. Ёш ва қари совлиқларнинг кўзилари нимжон, ўсишдан қолиб кетиши ва шунингдек нафас олиши ва яйловларда юриши, ўтлаб семириши ўрта ёшдаги ва сути кўп бўлган совлиқлардан олинган тенгқурларига нисбатан паст кўрсаткичлар билан характерланади.
10. Кўзиларнинг ўсиши, ривожланиши ва тирик вазнининг ўзгариши бевосита уларнинг оналарининг ёшига ва сутдорлигига боғлиқ. Бинобарин ўрта (уч, тўрт) туғиш ёшидаги совлиқлар кўзиларининг ёши ва қари совлиқлардан олинган тенгқурларидан нафақат янги туғилганида, қолаверса сўнгги хаёти давомида ҳам устун бўлган.
11. Кўзиларнинг ўсиши, ривожланиши ва шунингдек гўшт маҳсулдорлиги ҳам, уларнинг оналарининг ёши ва сутдорлигига

ва яйловлар шароитигабоғлиқ. Учинчи ва тўртинчи туғиш ёшидаги совлиқлар қўзиларининг сўйим натижалари кўркаткичи, улар сўйим ўғирлиги 21.1-21.7 кг, сўйим чиқими 60.3-61.1 % ташкил этган. Ёшларида эса тегишли равишда 19.0 кг ва 59.4 % бўлган ва тенгқурларига нисбатан 2.1-2.6 кг ёки 1.5-2.0 % кам кўрсаткичлар билан ифодаланган.

12. Қўзиларнинг жунининг узунлиги ва хажми уларнинг ўсиш муддати, она қўйларнинг ёши, сутдорлиги ва озикланишига боғлиқ. Ўрта ёш ва сутдор совлиқлар қўзиларини жунининг узунлиги бўйича 2-3 см, хажми бўйича эса 0.1-0.3 кг ёш ва қари совлиқлардан олинган тенгқурларидан устун турган.

13. Хўжаликда ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган жунлар сифат кўрсаткичи бўйича баҳорда синфларга бўлинган ва бунда ўрта (уч-тўрт) ёшдаги ва сутдор совлиқ қўзилари юқори кўрсаткичлар билан характерланган. Кузда эса олинган жунлар синфларга бўлинмай фақат холати ва ифлосланиши бўйича табақаланиб ўрта ёшдаги совлиқлар қўзилари ёш ва қари ёшли совлиқлардан олинган қўзиларга нисбатан анча устунлик қилган (21-жадвалга қаралсин)

14. Ҳисобот йилида хўжалик тирик вазни ошириш натижасида 155400 сўм харажат қилиб 194250 сўм даромад кўрган, демак тирик вазн ўсишидан 38850 сўм соф фойда олинган, унинг рентабеллиги эса 25 % ташкил этган. Шу ҳолат гўшт ишлаб чиқаришда ҳам қайтарилган ва хўжалик ундан 41000 сўм соф фойда кўрган, унинг рентабеллиги 31.25 % ташкил этган. Ҳисобот йилида хўжаликнинг жун ишлаб чиқарилиши 432 сўм зиён келтирган, чунки таннархи сотилиш нархидан устун бўлган.

## ТАВСИЯ

Ўтказилган тажриба натижаларига биноан ишлаб чиқаришга қуйидаги тажрибаларни жорий этиш зарур.

1. Хўжаликда парваришлаб махсулот ишлаб чиқаришда ўрта ва ёш сутдор совлиқлар қўзиларини наслга қолдириш.
2. Ёш ва қари сут махсулдорлиги паст бўлган совлиқларнинг наслга яроксиз қўзиларини семиртириб туғилган йилида гўштга топшириш.
3. Хўжаликда қўйларни боқиш учун ишлатиладиган яйловларни озуқа захирасини ошириш ва улардан унумли фойдаланиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. И.А.Каримов. Қишлоқ хўжалик тараққиёти тўкин хаёт манбаи. Ўзбекистон таррақиёт йўлида. Тошкент 1998 йил
2. И.А.Каримов. Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009 йил
3. И.А.Каримов. “Чорвадорларга имтиёзлар бериш тўғрисида фармон” “Халқ сўзи” рўзномаси 1995 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамаси ва Олий Кенгаш қарорлари “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш”. Тошкент 1995 йил
5. Шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари тўғрисида рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24-мартдаги қарори. Тошкент 2006 йил
6. Шахсий ёрдамчи дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш ҳамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқарилишини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21-апрелдаги қарори. Тошкент 2008 йил
7. Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарори 1997 йил

8. Абдувайтов Ш. Мясо-соляная продуктивность каракульских овец. СамСХИ Ташкент – 13, вопрос зоотехнии и каракуловодство, Самарканд – 1971.
9. Алиев Г.А. Новая мясо – соляная шерстная породная группа овец. Душанбе 1952.
10. Амиров А.К. Изучение способности каракульских и курдючных овец к откорму. Сборник науч. трудов. ТашСХИ вып 1 изд – во УзАСХН
11. Амиров А.К. Мясо-соляная продуктивность овец разводит в Узбекистана трУЗНИИЖ Т 7961
12. Амиров А.К. Некоторые данные о качестве мясо-соляной продуктивности каракульских, курдючных и помесных овец. Тр УЗНИИЖ вып 6. Таш-1961.
13. Амиров А.К. Арипов У.Х. Рекомендация по выращиванию нагулу молодняка курдючных овец джайдара и эффективность их использования на мясо. Таш-1971
14. Амиров А.К. Арипов У.Х. Мясная продуктивность каракульских ягнят. Ж “Овцеводство” 1970 С-19
15. Амиров А.К, Джасимов Ф. “Срока отбивки на продуктивность ягнят джайдара и их матерей” “Проблемы повышения мясе и молока Узбекистане. ТашиДНСХИ” Таш-1990 С-72
16. Амиров А.К.,. Повышать качество баранина, Ж. Сельское хозяйство Узбекистана.
17. Арипов У.Х. Откорм курдючных ягнят. Ж. “Сельское хозяйство Узбекистана” № 5 1970 С-21
18. Арзуманян Е.А. О характеристике хозяйственно-биологических качеств тапильского скота. Диссертация.
19. Аскарлов Р, Джасимов Ф, Хусниддинов Ж. Жайдари ва ўзбек гўшт – жундор кўзиларининг ривожланиш хусусиятлари. “Кадрлар

- тайёрлаш тизимида – аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси” академик А.И. Имомалиевнинг 75-йиллигига бағишланган халқаро илмий -амалий конференция. Тошент 2006 46-бет.
20. Аскарлов Р, Джасимов Ф, Хусниддинов Ж. Думбали гўшт-ёғдор жайдари кўйчилигини урчитиш истиқболлари. “Кадрлар тайёрлаш тизимида – аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси” академик А.И. Имомалиевнинг 75-йиллигига бағишланган халқаро илмий -амалий конференция. Тошент 2006 48-бет.
21. Базаров С.Р. Продуктивность и биологические особенности каракульских овец разных типов конституции. Автореферат. Диссертация. Таш-1990 (С-13-18)
22. Бакиров А, Колонторов С. Думбали кўйларнинг янги зотини етйтириш тажрибаси. “Меҳнат” Тошкент 1986 йил 40-бет
23. Бальмонт В.А. Выведение новой породы полугрубой шерсти курдючных овец. Р.Каз. НИИЖ. Алма – Ата
24. Беган Бобо фермер хўжалигининг маълумотлари 2013 йил
25. Беган Бобо фермер хўжалигининг 2012-2013 йил молиявий – иқтисодий ҳисоботи.
26. Богданов Е.А. Обоснование принципа выращивания молодняка крупного рогатого скота. М.Сельхоз. 1947 С-14
27. Борисенко Б.А. По пути интенсификации овцеводство. Животноводство № 5 1986.
28. Борисенко Е.С. Разведения сельскохозяйственных животных. М - 1967.
29. Буйлов С.В. Методика учета мясной продуктивности овец. Тр.ВИЖА. Дубровица 1972.
30. Бутиков А. Гисарские овцы Узбекистане. Таш-1971.
31. Вясин Б.Н, Попов Е.Т. Руководство по каракульскому скотоводству М-1971.

32. Варабьев А.П. Кормление и содержание овец. М-1986
33. Величко Н. В. Лялина Н.П. Горяева В.А. Ищем пути рационального ведения отрасли Ж. “Овцеводство” 1988
34. Викторов П.И, Ненашев П.Д. Выявление различного уровня белкового питания на мясные качества тонкорунных ягнят. Тр-2 научной конференции. Краснодар 1962.
35. ГОСТ 5111-55 Методика определение уптонность овец. ВИЖ – 1972
36. ГОСТ 7939-79 Стандарт на шерсть грубую немытую. М-1974.
37. Гоцуленко Б.Р, Федоров И.С, Курилов В.В. Эффективность кормление овец гранулами. Ж. “Овцеводство” № 5 1977 С-19-21
38. Давидов С.Г. “Новая порода овец Ж. За реконструкцию сельского хозяйство” Самарканд 1960.
39. Джасимов Ф, Мамадиев О. Откормочные и мясные качества баранов производителей не пригодных к воспроизводству. Халқаро илмий –амалий конференция тўплами. Таш-2013 78-бет.
40. Джасимов Ф, Мамадиев О, Хозинов Р. Жайдари совлиқларнинг сутдорлиги. Аграр фани ютуқлари ва истиқболлари Халқаро илмий –амалий конференция Таш-2002 90-бет.
41. Джасимов Ф, Сулоймонова О.И. Жайдари кўйларини эрта кўзилатишнинг афзаллиги. Аграр фани ютуқлари ва истиқболлари Халқаро илмий –амалий конференция Таш-2002 86-бет.
42. Джасимов Ф, Хамрақулов Р. Юнусов С. Қоракўл кўзиларини онасидан эрта ажратишнинг совлиқлар маҳсулдорлигига таъсири. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги Вазирлиги ХДНТД Университети илмий тўпламлари. Тош-1992 87-бет.
43. Джасимов Ф, Носиров У.Н, Қахрамонов Б. Чорвачилиқда ва паррандачилиқда илмий изланиш усуллари ва натижаларининг статистик таҳлили. Маъруза матнлари Тошкент 2002 йил.

44. Джасимов Ф. Қўйларни кўзилатиш муддатини иқтисодий самарадорлиги. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги Вазирлиги ТошДАУ. Маънавият ва иқтисодий таррақиёт илмий ва услубий масалалар тўплами. Тош-1997 йил
45. Джасимов Ф. Якка ва эгизак туғилган қорақўл кўзиларининг бўрдоқиланиш хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги Вазирлиги ТошДАУ. Республика Магистратура талаб коэффиценти 16-17 май. Тош-2013
46. Джон Хеммонд. Рост и мясная продуктивность животное ВИЖ руководство по разведению животные Т-1 М-1963.
47. Дмитриев Н.П. Молочная продуктивность и питательная ценности овец и его молоко. Пятигорск 1990 С-57.
48. Дрозденко А. Выбор интенсивной системы кормления на откормочной площадке для производство баранины реферативный журнал «Овцеводство» «Козоводство» 1990
49. Иванов М.Ф. Создание новых пород овец. Проблемы животноводство № 2 М-1934 С-21
50. Иванов М.Ф. Избранные сочинения М-1987 С-113
51. Иванов М.Ф. Смушково молочное овцеводство М-1922 С-74
52. Имбис. Б.Г. Направленное выращивание молодняка овцы. Ставрополь 1958 С-71
53. Кедрова С.И, Обухова. Использование пастбищ в овцеводческих хозяйствах издания 2-02 переработное М-1968
54. Кияткин П.Ф. Процесс порообразования овец. Таш-1964
55. Кияткин П.Ф. Курдючное овцы и племенная работа с ними изд “Фан” Таш – 1968
56. Кисловский Д.А. Разведение сельскохозяйственных животных. Селхозгиз М-1947

57. Коган Берман М.Я, Калилин В.В. Полутонкорунные овцы и их шерстная продуктивность В сб “Новое в разведении и кормлении сельскохозяйственных животных”. М-1961.
58. Куку Х.Э. Ўзбекистон Республикасининг қир минтақаларида урчтилаётган турли келиб чиқишига мансуб гўшт-жундор қўйларининг махсулдорлик ва базан биологик хусусиятлари. Қ.х.ф.н. дисс автореферат Тошкент-1981.
59. Литовченко Г.Р, Васильев А.В. Научные основы племенной работы в овцеводстве селхозгиз. М-1951.
60. Мамедов И.Г. Майин жунли қўйларни соғиш тажрибаси. Қўйчилик 1969.
61. Методика Убоя овец ВИЖ Дубровцы 1972.
62. Мечников И.И. Этюды о природе человека изд. Научное слово 1917
63. Нижлученко Т.И. Влияние сроков отбивки на рост и развитие ягнят асканийской тонкорунной породы овец. Сб науч трудов М-1987
64. Николаев А.И, Ерохин А. “Овцеводство” М-1987 С-60.
65. Обухова А.Д, Кедрова С.И. Использование пастбищ в овцеводческих хозяйствах изд. Переработанное изд. “Колос” М-1968
66. Павлов И.П. Избранные труды изд Академ. Педагогических наук РСФСР 1952.
67. Плохинский Н.П. Биометрическая обработка опытных данных. М-1969 С-42.
68. Попов И.С. Кормление сельскохозяйственных животных М-1958 С-59.
69. Радионов В.А. Эффективность зимних сроков ягнения овец. ВИН. Проблемы зимних сроков ягнения овец 1984
70. Сафаргалиев Т. Энергия роста и развития молодняка гиссарской породы овец в зависимости от возраста маток. Сб науч тр 1986.
71. Самарқанд вилояти Қўшработ туманинг паспорти.

72. Свечин К.Б. Индивидуальное развитие сельскохозяйственных животных изд “Колос” М-1965 С-130-135.
73. Свечин К.Б, Аршовский Возрастная физиология животных изд “Колос” М-1967
74. Селенин Т.И. Прогнозирование продуктивных свойств овец породы прекос Межвузовский сборник науч. трудов 1986.
75. Сон Я.П, Хайдаров М.Х. Урицкий В.Я. Гўшт-жундор кўйларининг самарадорлиги ва сўйилиш ёшини аниқлаш. Ж «Овцеводство» № 11 1970.
76. Тапильский И.А. Мясо – шерстные овцы Узбекистана Таш-1974.
77. Тапильский И.А, Жердев Б.В. Ўзбекистонга четдан келтирилган кўчқорларни шароитга мослашишини ўрганиш қишлоқ хўжалик хайвонлари биокимёси ва физиологияси бўйича бутун иттифок анжумани тезислари маърузаси. Тош-1959.
78. Урицкий В.Я, Сон Я.П. Гўшт – жундор кўчқорларнинг сотилиш ёшини аниқлаш. Ж кўйчилик № 10 1970.
79. Чирвинский Н.П. Отдел скотоводство на все российской сельскохозяйственной выставке в харькове «Земледельческая газета» 1887.
80. Шерембетов К. Опыт применения гранулированного шрота при откорме баранчиков. В.сб “Биостимуляторы в животноводстве” М-1967.
81. Юдин Ю.И, Родин В.П. Овцеводство с основами промышленной технологий М-1983
82. Юлдашев А.А. Племенная ценность Паркентских мясошерстных овец. Автореферат. Конд. Дисс. Таш-1967.
83. Shresather J.A. Влияние породы деты ягнения возраста и живой массы на промеры тела у растущих ягнят. Реферат журнал «Овцеводство» «Козоводство» 1989.

84. Baner J. Burgkar T. Jur intiusiv lemmermast mit kraffuter  
“Wirteshofseige Flutter” 16. 1970 № 4 S-277-285.